

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими”

кафедраси

**5111600 - “Миллий ғоя, маънавият асослари ва
хуқуқ таълими” йўналиши битирувчиси**

ТОХИРОВ ШЕРЗОД нинг

**“ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАРГА СОДИҚЛИК
РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ”**

мавзусида ёзган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Иш кўрилди ва ҳимояга
тавсия этилди. “Миллий ғоя,
маънавият асослари ва хуқуқ
таълими” кафедраси мудири
ф.ф.н.,
доцент _____ С.Исмоилов
“_” __ 2018 йил**

**Илмий раҳбар: “Миллий ғоя,
маънавият асослари ва хуқуқ
таълими” кафедраси катта
ўқитувчиси _____
Б.Фофуров**

“_” _____ 2018 йил

МАВЗУ: “ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА СОДИҚЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ”

Режа:

Кириш.

I БОБ. Миллий - маънавий қадриятларнинг Олий таълим тизимидағи ўрни, ўзига хослиги ва аҳамияти.

1.01. Таълим - тарбия жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда боғлиқлиги.

1.02. Миллий - маънавий қадриятларни талаба ёшлар билими, онги ва руҳий - иродавий даражасига мос ҳолда ўқитиш масалалари.

II БОБ. Республикализ таълим - тарбия тизимида ёшларни миллий-маънавий қадриятларга содиқлик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг методологик асослари.

2.01. Собиқ Шўролар даврида миллий қадриятларга муносабат, олиб борилган сиёсатнинг инсониятга, миллий ўзликка ва шахсга салбий таъсирлари.

2.02. Мустақиллик йилларида миллий ўзликка қайтиш ҳамда миллий қадриятларнинг қайта тикланиши ва ривожланиши.

Хулоса.

Иловалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги ва унинг асосланиши. Мустақиллик йилларида, биринчидан, авлодлардан мерос бўлиб ўтган анъаналар, урф-одатлар ва байрамлар янги мазмун билан бойиди ва ривожланди, иккинчидан, ижтимоий тузум таъсири остида барча миллатлар учун тушунарли бўлган анъаналар, урф-одатлар ва байрамлар вужудга келди. Булар ўзбек халқининг мустақиллик учун кураши ва бунёдкорлик ишлари билан ҳаётдан ўрин олди ва мустахкамланди. Айни пайтда бу анъаналар, урф-одатлар демократик жамият кишиси ахлоқ талабларига ғоят мос бўлиб, ОТМ талабаларида ғоявий эътиқодлилик, ватанпарварлик, халқлар дўстлиги, жамият фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат, бирдамлик ва ҳамкорлик, инсонпарварлик, маънавий ва жисмоний баркамоллик, фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этишнинг сарчашмасидир. Уларда ўзбек халқи ҳаётидаги тарихий воқеалар, унинг жанговар ва меҳнат шиҷоатлари, қаҳрамонларнинг жасоратлари, олийжаноб ишлари, кўп миллатли Ўзбекистон халқи ҳаёт фаолияти, маданиятидаги энг яхши, илғор жиҳатлар улуғланади.

Қолаверса, юқорида биз фикр юритган масалалар мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, биринчи Президентимиз И.Каримов ва муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев асарларида етарлича асослаб берилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, маънавият, миллий ўзликни англаш, миллий қадриятлар инсоният тарихидаги барча даврларда ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлган. Ана шуларга кўра биз танлаб олган Битирув малакавий ишимиз мавзуси ўта долзарб муаммолардан биридир.

Битирув малакавий ишининг ўрганилиш, тадқиқ этилиш даражаси. Анъана, урф-одат, маросим, байрам, қадриятлар муаммоси собиқ Шўролар тузуми даврида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам маълум бир жиҳатлардан ўрганилган. Лекин, шунга қарамай, улар ўша давр ҳаёт

шароитларида ҳамда мафкураси ақидалари асосида амалга оширилганликлари учун, ҳозирги кунда илмий-амалий қимматга эга эмас. Фақат проф. О.П.Умрзоқова, Х.А.Шайхова, У.Қорабоев каби баъзи муаллифлар нашрлари ўз илмий қиммати ва аҳамиятини бир мунча сақлаб қолмоқда деб айтиб ўтиш мумкин. Лекин Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин миллий қадриятларимизни ўрганишга, уларни тадқиқ этишга эътибор кучайди. Жумладан, Қ.Назаров, Ж.Туленов ва бошқа олимларимизнинг бу йўналишдаги хизматлари алоҳида тақсинга сазовордир. Мустақиллик йилларида ушбу йўналишда бир нечта диссертациялар ёқланганлиги, илмий мақолалар, монографиялар, дарслик, ўқув кўлланмалари нашр этилганлиги ҳамда мамлакатимиз ОТМларида “Қадриятлар фалсафаси” фанининг ўқитилаётганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Битирув малакавий ишининг обьекти ва предмети. “Қадриятлар фалсафаси” фани доирасидаги “Талаба ёшларни миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашнинг методологик асослари” мавзусига доир муаммоларни ўрганиш. Олий таълимнинг ўзига хослиги ваунда миллий-маънавий қадриятларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини ҳозирги давр талабларидан келиб чиқсан ҳолда асослаш. Миллий қадриятлар, уларнинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясидаги ўзига хос ўрни ва аҳамияти масалаларини битирув иши доирасида тахлил қилиш.

Битирув малакавий ишининг бош мақсад ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсад ва вазифалари талаба ёшларга ўзбек миллий қадриятларининг мазмун-моҳиятини, уларнинг халқимиз маданияти ва маънавияти ривожланишида тутган ўзига хос ўрни ва аҳамиятини тушунтириш ва асослаб бериш. Ёшларда миллий рух, миллий хис-туйғу, миллий менталитет ва миллий ифтихор ҳамда миллий ғурурни ривожлантириш. Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашнинг усул ва воситалари ҳамда методологик асослари хақида фикр юритиш, уларни битирув иши

доирасида асослаб бериш ҳам ушбу тадқиқотимизнинг бош мақсад ва вазифаларидан бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, собиқ Шўролар даврида миллий қадриятларга нисбатан олиб борилган сиёсатнинг мазмун-моҳияти ва унинг халқимиз маънавий ривожланишидаги салбий оқибатларини кўрсатиб бериш. Миллий-маънавий қадриятларни талаба ёшлар билим, онг ва руҳий-иродавий даражасига мос қилиб ўқитишнинг муаммо ва ечимлари хақида фикр юритиш ҳам ушбу ишимизнинг асосий вазифаларидан бўлиб ҳисобланади.

Битириув малакавий ишининг назарий-методологик асоси. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қадриятларимизни кенг халқ оммоси орасида тадбиқ ва ташвиқ қилиш юзасидан биринчи Президентимиз И.Каримовнинг асарларида илгари сурилган, ривожлантирилган назарий хулоса, ечимлар, амалий тавсия ҳамда таклифлар, шунингдек, муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг чиқишилари, нутқ, ҳамда амалий кўрсатмаларида асослаб берилган ғоялар ҳам ушбу битириув ишимизнинг назарий-методологик асосини ташкил этади.

Битириув малакавий ишининг тадқиқот методлари. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг қатор янги методологик хулоса, ечимларига кўра умум-инсоний ва миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам, қадриятларга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди, эволюцияга учради. Бундай, айниқса илғор Ғарбий Европа маданиятшунослиги, фалсафаси, социологиясида мазкур муаммога ижобий, ижодий-яратувчи куч сифатида қарашдан иборат Э.Дюркгейм, М.Веберлар томонидан асослаб берилган ва Ғарбда ҳозир ҳам самарали, инсонпарвар илмий тадқиқот усул, принципларидан Ўзбекистонда ҳам ижодий-танқидий фойдаланиш бизнинг фикримизча ўзининг ижобий самарасини беради.

Бундан ташқари миллий қадриятлар шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ фалсафий-аксиологик ахборот ва маълумотларни йиғиши, ҳамда социологик кузатиш, қиёслаш, тарихийлик, холислик, мантикий

изчиллик, мунтазамлик ушбу битирув ишида қўлланилган илмий тадқиқот материалларини ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур битирув ишида жамланган маълумотлардан талабалар, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари ўқув жараёнида фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, ушбу ишимиз натижалари ОТМ тизимидағи фалсафа, этика, эстетика, диншунослик, маънавият асослари, миллий ғоя ва маданиятшунослик каби ижтимоий-гуманитар фанлардан маъруза ва семинарларга тайёргарлик кўриш учун қўшимча адабиёт сифатида хизмат қиласи. Юқоридагилар билан бирга битирув ишининг назарий ва амалий аҳамияти асосан қуидагилардан иборат:

- мавзу бўйича мавжуд ахборот, билим қарашларни жамлаб, илмий тадқиқ этиб, баъзи умумлаштирувчи назарий хулосалар, тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилганлиги;
- мустақиллик даврида миллий ўзликка қайтиш, миллий онг уйғонишининг миллий қадриятларни қайта тиклаш ва такомилига ҳаётбахш таъсирини (эволюцияси) битирув иши доирасида асослаб берилганлиги;
- ўзбек халқи маънавий, илмий-фалсафий меросида маънавий жасорат қадриятларининг баъзи муаммолари методологик жиҳатдан асослаб берилганлиги;
- кейинги илмий тадқиқотлар ва амалий фаолиятда улардан фойдаланиш мумкинлиги ва х.к.

Битирув малакавий ишининг таркиби, ҳажми. Битирув малакавий иши “Кириш”, 2 боб, 4 фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати ҳамда иловалардан иборат, ҳажми 69 бет.

И БОБ. МИЛЛИЙ-МАЬНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ, ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

1.01. Таълим-тарбия жараёнида миллий ва умумисоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда боғлиқлиги.

Аввало ОТМ лардаги маънавий таълим-тарбия жараёнларида, қолаверса улардаги ижтимоий-маънавий байрам тадбирларини олиб боришда талаба ёшларнинг ёши, олий таълимнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда миллий-маънавий қадриятлар ҳақида етарли билим, амалий малака берилиши лозим. Бунинг учун эса, талаба ёшларда қадриятлар ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилиниши талаб этилади.

Маълумки, қадриятлар қамраб олиш кўламига кўра миллий, минтақавий ва умумисоний қадриятларга бўлинади.

Умумисоний қадриятлар жаҳон цивилизациясининг яхлитлиги, унинг барча босқичлари бир-бири билан узвий боғланганлигининг ифодасидир.

Умумисоний қадриятлар деб барча инсонларнинг тарихи, мероси, истиқболи, истиқболи ва манфаатларида мавжуд бўлган туташ, умумий заминлар ва манфаатлар асосида ташкил топган, тараққиётнинг янги босқичида ҳам барчанинг манфаатига мос келадиган ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳодисалар ва бойликларга айтилади¹.

Умумисоний қадриятлар қандайдир ўзгармас, ақидавий тушунчалар эмас. Даврлар ўтиши, шароит, талаб ва эҳтиёжларнинг ўзгариши билан уларнинг мазмуни, баҳолаш мезонлари ҳам ўзгариб боради. Лекин бу ўзгаришлардан қатъий назар, умумисоний қадриятлар одамларни жипслаштирувчи, маълум мақсадлар, ижтимоий, маънавий камолотнинг муайян йўллари учун биргаллашиб курашишга, ҳаракат қилишга чорловчи

¹ Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 96 - бет.

ижтимоий ҳодисалардир. Умуминсоний қадриятлар турли давлатлар, халқлар ўртасидаги кўприк воситасини ўтаб, одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чорловчи куч вазифасини ўтайди. Маънавият борасида ҳам умуминсоний қадриятлар барча халқларнинг маданиятини яқинлаштиради ва уларни тезроқ камол топишга имконият яратиб беради.

Инсонпарварлик ғояларига садоқат, демократия, ижтимоий адолат ҳамма ерда барқарор бўлишига интилиш, инсон ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймаслик, ҳамма халқларнинг миллий мустақиллик учун бўлган курашларини ҳимоя қилиш, кишиларни дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамдардликка чорлаш, ҳамма ерда тинчлик, осойишталик қарор топишига ҳаракат қилиш, атроф муҳитни тоза сақлаш умуминсоний қадриятларнинг ҳозирги кунда катта аҳамият касб этаётган жиҳатларидир.

Бу қадриятлар бутун инсоният томонидан қўлга киритилган фан, техника, маданият, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш борасидаги янги жиҳатлар, демократия, қонунчилик, адолатни барқарорлаштириш борасидаги ютуқлардан ҳам иборат бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш Республикализни жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантириш ишига ҳам хизмат қиласди. Бу борада бирор чекинишиларга, миллий маҳдудлик ва калондимоғликка йўл қўйиш ниҳоятда катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Умуминсоний қадриятлар маҳаллий шароит, имкониятлар, тарихий анъаналар билан боғлангандагина керакли самара беради.

Минтақавий қадриятлар ҳам умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғланган.

Қадриятларнинг бу туркуми бир-бирига яқин бўлган шароитларда яшаган ва меҳнат қилган, тарихи туташ бўлган мамлакатлар ва халқларда учрайди. Бу қадриятлар ҳозирги кунда ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Меҳмондўстлик, болажонлик, яқин қўни-қўшничилик, катталарни хурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, қариндош-уруғлар, дўстлар билан

яқин алоқада бўлиш, сахийлик, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш. Ўрта Осиё халқларининг ҳаммасига хос бўлган маънавий фазилатлардир. Гарчанд меҳмондўстлик билан боғлиқ удумлар минтақамизнинг ҳамма ерида кенг тарқалган яхши анъана бўлса ҳам улар турли жойларда бир-биридан фарқ қиласди.

Кексаларни, ота-онани ҳурмат қилиш анъанаси ҳам Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос юксак маънавий бойлигиdir.

Кексалар кўпни кўрган, ақл ва идрок билан ҳар ишда маслаҳат берга оладиган, ёшларга катта тарбиявий таъсир кўрсата оладиган кишилардир. Кексаларни ҳурмат қилиш, улардан сабоқ олиш, ҳаёт тажрибасини ўрганиш маънавий камолот учун янги имкониятлар излашга ҳаракат қилишдир. Ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг гапига, панд-насиҳатига қулоқ солиш ҳам катта маънавий қадриятдир. Ота-она ҳеч вақт ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Улар ҳаётнинг кўп оғир-енгилликларини кўргани сабабли, фарзандларининг истиқболини ҳам улардан кўра кўпроқ ўйлайдилар. Баъзан ота-оналарнинг насиҳатлари ноқобил фарзандларга оғирроқ ботиши мумкин. Бу ҳаётни чукур билмаслик, ҳаётнинг турли жараёнларига енгил-елпи қарашнинг оқибатидир. Фарзандлар ота-онанинг қадрини ўzlари ота-она бўлганидан кейингина фаҳмлаб оладилар. Бу давр ичида улар маънавий камолотнинг кўп имкониятларини қўлдан бой бериб қўядилар. Шунинг учун улкан маънавий қадрият бўлмиш ота-онани ҳурмат қилиш анъанасини асло унутмаслик керак¹.

Катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган минтақавий қадриятлардан яна бири - *жамоатчилик фикридир*. Жамоатчилик фикри одамлар ўртасидаги бир-бирига яқинлик, ўзаро ҳурматнинг ифодаси бўлиб, кенг фойдаланиш мумкин бўлган қадриятдир.

Қадриятларнинг энг муҳим турларидан яна бири - *миллий-маънавий қадриятлардир*. Улар ҳақидаги чукур билим, айниқса турли ижтимоий-

¹ Рустамов А. Адиллар одобидан адаблар. - Т.: “Маънавият”, 2003. 40 - 46 бетлар.

маънавий тадбирларда ОТМ талабаларининг, ўқувчиларининг бевосита, фаол иштирок этиши уларнинг онгидаги бир умр муҳрланиб қолади.

Миллий қадриятларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳар бир миллатнинг ўзига хос тарихи, тили, маданияти, ахлоқий ва психологик фазилатлари, яшаш шароити, турмуш тарзи, ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлангандир. Миллий қадриятларнинг ҳар бир кўринишини узоқ тарихий тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини чукур ўрганиш орқалигина тўғри тушуниб олиш мумкин¹.

Миллат мавжуд экан миллий қадриятларнинг аҳамияти асло камаймайди. Миллатларнинг маънавият жиҳатидан бир-бирига яқинлашиб бориши ҳам миллий қадриятларнинг ривожланиш ва амал қилиш имкониятларини камайтиrmайди, балки кенгайтиради. Умуман олиб қараганимизда, миллий қадриятлар ҳар бир миллатнинг моҳиятини, унинг муайян мустақил ижтимоий этник бирлик эканини белгилаб берувчи асосий мезонлардан биридир².

Албатта, миллатнинг ижтимоий-табақавий таркибида ўзгаришлар бўлиши, турли халқлар ўртасидаги алокалар яқинлашиб бориши миллий қадриятлар ўсиб, кенгайиб боришига хизмат қиласди. Лекин янги шароитларда, янгича талаб ва эҳтиёжлар асосида шаклланаётган қадриятларда ҳам миллийлик қиёфаси сақланиб қолаверади. Янги вазиятларда шаклланаётган қадриятлар миллийлик жиҳатларини ўзига сингдиргандагина ҳаётга шу жумладан талаба ёшлар онги ва қалбига кенгроқ, тезроқ сингиш имконига эга бўлади.

Сўнгги бир асрга яқин давомида ўзбек рақсларида, куйларида, ашуулаларида жуда катта ўзгаришлар бўлганини инкор этиб бўлмайди. Бу ўринда Европа ва Шарқ мамлакатлари маданиятларининг таъсири ҳам катта бўлди. Ҳозирги ўзбек рақслари, куйлари, қўшиклари классик маданий меросининг айнан ўзи эмас. Рақсларда Европа, Осиё рақс

¹ Аликулов Х. Маънавий-ахлоқий қадриятлар мутафаккирлар талқинида. Андижон. 2003. 6-7 бетлар.

² Андреев Р.Д. Ценности и их роль в жизни общества. - М.: 1998. Стр. 12.

маданиятларининг кўп жиҳатлари сезилиб турди. Бу жиҳатдан ўзбек халқининг рақс маданияти борасидаги қадриятлари анчагина бойиди. Лекин моҳият жиҳатидан рақсларимиз асосан миллийлик руҳини сақлаб қолди¹.

Миллатнинг руҳияти, тарихий анъаналари, маънавий эҳтиёжига мос келмайдиган бегона қадриятларни унга зўрлаб сингдириш мумкин эмас. Айниқса, бой тарихий меросга эга бўлган халқлар маънавий ҳаёт борасидаги зўравонликни руҳан қабул қилмайдилар.

Умуминсоний, минтақавий, миллий қадриятлар билан бир қаторда, диний қадриятлар ҳам мавжуддир. Улар миллий-маънавий қадриятларнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ҳар бир миллат, халқ ҳаётида, турмуш тарзида мустахкам ўрин тутади ҳамда муҳим аҳамият касб этади.

Диний қадриятлар ҳам жамиятнинг маълум тарихий давр ва шароитлардаги талаблари, эҳтиёжлари асосида шаклланади. ОТМдаги таълим ўз мазмун-моҳиятига кўра дунёвийликка йўғрилган бўлиб, гарчи диний таълимни кўзда тутмасада, бироқ “Диншунослик”, “Маънавият асослари”, “Одбонома”, “Маданиятшунослик” ва шу каби фанларни ўқитишида, ҳамда оммавий тадбирлар, тантана, байрам, ҳайитларни ўтказишида талабаларга диний қадриятларни холис ва ижодий-танқидий сингдиришнинг катта имкониятлари мавжуд².

Динларнинг келиб чиқишига асос бўлган сабабларни ижтимоий ҳаётнинг ўзидан изламоқ керак. Реал ҳаёт воқеалари, эҳтиёжлари илоҳийлаштирилганида, моҳияти, содир бўлиши сабаблари илоҳий кучларнинг иродаси билан боғлангандагина диний тус олади.

Ислом дини шаклланаётган даврда Муҳаммад алайҳиссалом араб қабилалари орасида кенг тарқалган қўплаб урф-одатлар, маросимлар, ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларга илоҳий тус бериб, уларни янги диннинг ажралмас қисмига айлантирди. Арабларнинг юриш-туриши, одоби ва

¹ Корабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Т.: Ўқитувчи. 1991. 23-бет.

² Фалсафа. Қомусий луғат. - Т.: Шарқ, 2004. 47 - бет.

ахлоқи, оилавий ва қабилавий муносабатлари борасидаги кўплаб қадриятлари ислом динининг таркибий қисми бўлиб қолди.

Шаърий ҳукумларга кирган ахлоқ ва одоб, ҳалоллик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, дўстлик, биродарлик ҳақидаги кўплаб ғоялар минтақамизда ислом динидан олдин ҳам қадриятлар сифатида сақланиб келган эди. Бу қадриятлар ислом динининг таркибий қисмига айланиб, уларга риоя қилмаслик жамият олдидагина эмас, балки худо олдидаги гуноҳ сифатида талқин этила бошланган. Натижада ислом дини билан боғлиқ бўлган бу қадриятларга ҳам риоя қилишлик масъулияти кучаяди. Дин муқаддас, деб эътироф қилган қадриятларни тан олмаслик, ёки уларга риоя қилмаслик гуноҳ, дўзах сингари тушунчалар билан боғланди. Шундай қилиб, диний тус олган ҳаётий қадриятларга риоя қилишнинг зарурияти ҳам кучайди¹.

Ахлоқий, ҳуқуқий қадриятларнинг кўплари Куръони Каримда, ҳадисларда ҳам катта ўрин олган. Ҳадисларда баён қилинган ахлоқий нормалар инсон камолотига катта ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасизdir. Мұхаммад алайҳиссаломнинг кўпгина ахлоқий фазилатлари, оиласига, фарзандларига, ёру дўстларига муносабати ҳам ҳадисларда катта ўрин олиб, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қадриятларга айланган. Ҳадисларда, шаърий ҳукумларда ўртага ташланган барча ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлардан ҳозир ҳам тарбиявий омил сифатида кенг фойдаланиш мумкин².

Собиқ Иттифоқ даврида диний қадриятларнинг барча томонларини тўла инкор этиш йўлига ўтиб олиб, жамият маънавий камолотини таъминлашнинг кўпгина имкониятларидан маҳрум бўлиб қолдик. Диний қадриятларнинг мазмунида миллий, минтақавий ва умуминсоний қадриятларнинг кўпгина жиҳатлари борлигини билмаслик, маънавий жоҳиллик ботқоғига ботиш жамиятимиз бошидан кечирган кўпчилик йўқотишларга сабаб бўлди.

¹ Фарб фалсафаси. Назаров К. таҳрири остида. - Т.: Шарқ, 2005. 24 - бет.

² Комилов Н. Тасаввуф. - Т.: “Ёзувчи”. 1996. 12 - бет.

Ўрта Осиёлик кўплаб олимлар, маърифатпарварлар диний қадриятларни хурофот ва бидъатдан ажратиб олишга, диннинг ҳаётий томонларини ҳақиқий ижтимоий ва маънавий камолотнинг муҳим заминига айлантиришга ҳаракат қилиб келганлар. Буюк мутафаккир шоир Умар Хайём, Алишер Навоий, Бобур, Машраб ва бошқалар Ислом динига катта ҳурмат ва ихлос билан қараган бўлсалар ҳам, улар хурофот тусини олган мерос-нинг барчасига кўзни юмиб, кўр-кўrona ёндошиши мумкин эмаслигини кўrsатиб ўтганлар¹.

Қадриятларга баҳо беришнинг бош мезони - тарих сабоқлари, тажриба, ҳозирги давр ва истиқлолнинг талаблари, эҳтиёжлариdir.

Ўзбекистоннинг мустақил, дунёвий давлат деб эълон қилиниши, тоталитар буйруқбозлик тузумининг мафкуравий ҳукмронлигига барҳам берилиши диний қадриятларга нисбатан янгича ёндошишга имкон яратди. Кўпгина диний маросимлар тикланди, фуқаролар ўзларининг диний эътиқодлари билан боғлиқ бўлган маросимлар, урфу одатларни дунёвий давлат конституцион принципига кўра тўсиқларсиз амалга ошира бошладилар. Шаҳар ва қишлоқларда кўплаб янги масжидлар қурилди, эскилари таъмирланди. Қурбон ҳайит, рамазон ҳайити сингари маросимлар ҳамма ерда амалга ошириладиган оммавий байрамларга айланди. Ўзбек халқининг ҳозирги миллий-маънавий қадриятлари тизимини буларсиз тасаввур этиб бўлмайди².

Қадриятлар катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Қадриятларнинг моҳиятини билиш, уларга эътиқод, ихлос қўйиш ёшларда миллий ғуур, ватанпарварлик, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантиришда, инсонпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик фазилатларини камол топтиришда катга аҳамиятга эга. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига ўтган ҳозирги шароитда ватанпарварлик тарбияси катта аҳамият касб этмоқда. Ватанпарварлик - ўз ватанини

¹ Низомиддинов Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва Ислом. - Т.: Зар қалам, 2006. 28-бет.

² Ўша асар. 32-36 бетлар.

виждонан севиш, унинг тараққиёт йўли ва истиқлолини англаб олиш, манфаатларини ҳамма соҳаларда ҳимоя қилишда фидоийлик намуналарини кўрсатишдир.

Экологик маданиятни шакллантиришда миллий тарбия анъаналариға оид қадриятларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ўзбек оиласарида болалар ёшлигиданоқ кўча супуриш, ҳовли тозалаш, сув сепиш, дарахт экиш ва парвариш қилишга ўргатилар эди. Сувни ифлос қилмаслик, ахлатни ҳамма жойга ташламаслик ҳам улкан миллий қадриятга айланиб кетган. Ўлкамиздаги экологик вазият анча оғирлашиб қолган ҳозирги шароитда бу қадриятлар ҳам катта тарбиявий омил бўлиши мумкин.

Ўзбек қизларини меҳнатсеварлик, камтарлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам катта тарихий анъаналаримиз бор. Номус, иймон, қизлик иффатини юксак тутиш одати ҳам улкан миллий қадриятдир¹.

Қадриятларга холисона ёндошиш, улардан ижтимоий, тарбиявий масалаларни ҳал этишда самарали фойдаланиш ҳозирги кундаги қўплаб долзарб муаммоларни ҳал этишнинг муҳим шартидир.

Ўзбек халқининг тарбия тизимида тарихан таркиб топган ўзига хос хусусиятлари борки, улар туфайли ёшларимиз бошқа миллат ёшларидан ажралиб туради. Номуслилик, ориятлилик ҳам муҳим қадриятдир. ОТМ талабалари орасида таълим-тарбия ишларини олиб борганда, ҳамда турли тантаналар, жамоатчилик тадбирлари, байрам, ҳайитлар, сайллар, мусобақалар, танловлар ўтказганда айни мана шу меъёр, мақсадни унутмаслик лозим бўлади.

¹ Шайхова Х. Ўзбек аёли - одоб тимсоли. - Т.: 2007. 46-бет.

1.02. Миллий-маънавий қадриятларни талаба ёшлар билими, онги ва руҳий-иродавий даражасига мос ҳолда ўқитиш масалалари.

Урф-одатлар, анъаналар, байрам ва маросимлар факат турмуш маданиятининг даражасини ифодалабгина қолмай, балки уни ижтимоий назорат қилиш, кишиларнинг ижобий хатти-харакатларини тасдиқловчи, салбийларини инкор этувчи ахлоқий қийматлар йифиндисидир. Улар конкрет шахсни бошқа кишиларнинг тажрибаси билан бойитади, шахсда ўз бурчи ва вазифаларига масъулият билан қараш сингари фазилатларни шакллантиради ва мустаҳкамлайди. ОТМларидаги таълим ва тарбия, тадбирлар, байрам, ҳайит, бошқа тантаналар ана шунга қаратилиши лозим.

Хозирги фан-техника инқилоблари, глобаллашув тараққиёт кенг авж олган, шахс омили роли ортиб бораётган бир вазиятда анъаналар, қадриятлар ва урф-одатлар ўз-ўзидан стихияли равишда вужудга келмайди ва кела олмайди. Мамлакатимизда уларни пайдо қилиш замонавий жамиятни қуришдан иборат умумий вазифага бўйсундирилган бўлиб, улар ҳаёт талабларига жавоб бермай қолган урф-одатлар ва маросимларни бартараф этиш жараёнида шаклланиб боради. Янги байрамлар, анъаналар ва урф-одатлар ўзида миллий турмуш тарзининг умуминсоний ва миллий-ватанпарварлик мазмунини акс эттиради. Улар мамлакатимиз халқларини, шу жумладан талаба ёшларни бир мақсад йўлида курашишга сафарбар этади ва жипслаштиради, маданиятларини бойитади, замонавий меҳнат марраларини эгаллашга ундейди.

Анъаналар, байрамлар ва урф-одатлар, улар билан боғлиқ қадриятлар турмуш маданияти тушунчасининг таркибида ҳаракат қиласи. Анъаналар, урф-одатлар кишиларнинг ўзаро ва жамиятга бўлган шахсий-ижтимоий муносабатларини такрор ишлаб чиқаришда, олдинги авлод эришган моддий ва маънавий бойликларни ўзида акс эттириб, кейинги авлодга хадя этишда муҳим воситадир. Турмуш маданияти анъаналар, урф-одатлар, маросимларнинг ижтимоий мазмуни билан ҳам ифодаланади. Зотан,

миллий урф-одатлар ва маросимлар меҳнатсеварлик, дўстлик, тенглик ва ўзаро ёрдам, ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган қадимий халқ анъаналарига суюнади, уларга янги маъно ва мазмун беради.

Демократик жамият қурилиши кенг авж олдирилган, фан ва техника тараққиёти юксак даражага кўтарилиган ҳозирги даврда янгича урф-одатлар ва анъаналарни меҳнаткашлар турмушига татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Зоро, кишиларни миллий ва умуминсоний руҳда тарбиялаш, халқнинг умумий маданий савиясини ошириш жуда катта меҳнат талаб қиласидиган мураккаб жараёндир.

Кишиларнинг бурч, виждон, қадр-қиммат, фарзанд тарбияси, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, севги-муҳаббат, яхшилик сингари ахлоқий ва эстетик ҳис-туйғулари анъаналар, урф-одатлар ва маросимларда яққол намоён бўлади. Миллий байрамлар, янгича урф-одатлар ва маросимларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши йигит ва қизларни сиёсий-ахлоқий, меҳнат ва эстетик руҳда тарбиялашга самарали таъсир кўрсатмоқда¹. Миллий байрамлар ва урф-одатлар шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга келтирувчи воситалардан бири сифатида кишиларимизни актив ижтимоий-сиёсий фаолиятга жалб қиласиди.

Ҳар бир одамнинг шахсий ва ижтимоий ҳаёти унутилмас ва қувончли воқеаларга бой. Никоҳ тўйлари, фарзанд туғилиши, биринчи марта паспорт олиш, армия сафига чақирилиши ёки фидокорона меҳнатдан сўнг пенсияга чиқарилиши каби ажойиб воқеалар кишиларга ифтихор туйғулари ва шодлик бағишлайди. Бу шодиёна кунларни тантанали нишонлаш кишиларга руҳий озиқ беради. Бунда миллий воқелик ва янги ижтимоий муносабатларнинг шакллана бориши натижасида вужудга келган замонавий маросимлар, урф-одатлар, халқ байрамлари алоҳида роль ўйнайди.

¹ Шайхова X. Ўзбек аёли - одоб тимсоли. - Т.: 2007. 60-бет.

Хар бир халқнинг урф-одатлари, анъаналари умуминсоний байрамларининг таркибий қисмига айланди. Миллий анъаналар ва урф-одатлар ҳар бир халқнинг миллий хусусиятларини, фикр ва туйғуларини ўзида акс эттиради. Шу билан бирга мустақил жамият юксалган сари миллий маданиятларнинг ўзаро ҳамкорлиги активлашиб, мустаҳкамланиб, ягона замонавий маданиятга томон шаклана бошлайди. Масалан, ҳар иили биринчи январни Янги йил байрами сифатида нишонлаш аввал Ўрта Осиё халқларида бўлмаган. Ҳозир эса Янги йил байрами умуминсоний мазмунга эга. У каттаю кичикнинг энг қизиқарли байрамига айланган. Ранго-ранг ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофида турли миллат болалари ашулалар айтадилар, рақсларга тушадилар. Шунингдек, илгари Ўрта Осиё халқлари бир-бирлари билан саломлашганларида икки қўл билан кўришганлар, аёлларнинг эркаклар билан қўл бериб саломлашиши ман этилган. Ҳозир эса эркаклар ва аёллар бир-бирлари билан илик саломлашадилар ва ўнг қўллари билан кўришадилар.

Ўзбек халқ миллий анъаналари занжирида - кишилар бир-бирлари билан кўришганда саломлашиш, узоқ сафар олдидан бир-бирларига “Оқ йўл!” тилаш, қайтганда ҳол сураш, меҳнат қилиб турганда “Хорманг - бор бўлинг”, шунингдек кексаларга ҳурмат, интизомлилик, одоблилик, ночор аҳволдаги кишиларга ёрдам бериш одатлари азалий тарихга эга. Одоблилик ҳамма нарсадан, ҳатто илмдан баланд қўйилган. “Олим бўлиш осон - одам бўлиш қийин”, “Илмдан одоб улуф!” - деган ўзбек халқ мақоллари топиб айтилган. Дарҳақиқат, илмли одам албатта одобли ҳам бўлади, одоблилик эса ўз навбатида илмлиликнинг белгисидир. Бироқ “интизомлилик, одоблилик, кексаларга ҳурмат” тушунчалари итоатгўйлиқдан кескин фарқланади.

Халқ анъаналари, урф-одатларида ҳеч қандай қонунларда ёзилмаган ахлоқий нормалар мавжуд. Ўзбек халқининг меҳнатсеварлик, она-Ерга чексиз муҳаббат, меҳмондўстлик, катта ёшдагиларни иззат, ҳурмат қилиш, нонни, сувни эъзозлаш билан боғлиқ бўлган жуда кўп қадимий урф-

одатлари ҳозир ҳам ҳаётий мазмунга эга. Масалан, ўтмишда ариқ сувларига ифлос нарсаларни ташлаб уларни лойқалатиш ахлоқ нормаларига тўғри келмас ва катта айб саналар эди. Нонни эъзозлаш одати ҳам қадим-қадимдан яшаб келади. Ҳозирги кунда бу одатлар билан социалистик ахлоқ нормалари ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ! Сув ҳаёт манбаи сифатида ҳозир ҳам ниҳоятда қадрланади. Нон эса ризқи-рўзимиз, пешона тери тўкилган меҳнатимиз маҳсули! Нонга хурмат-меҳнатга хурмат, буғдой донини нон ҳолатига келтирувчи меҳнаткаш халқقا хурматдир!

Нонни қадрлашни, увоини ҳам увол қилмасликни болаликдан ўргатишади. Муқаддас ва мўътабар таом-нон шаънига жуда кўп қўшиқлар, шеърлар битилган. Ҳамма эзгу ишлар нон билан бошланган. Меҳмон келганда дастурхонга биринчи нон келтириш, меҳмон ҳам нонга биринчи кўл узатиши, икки ёш никоҳ маросими-тўйи олдидан “нон ушатиши” (“Нон синдирди”) одати ҳамон сақланиб қолган¹. Гўдакларнинг ёстиғи тагига ризқи нондай улуғ, қадами қутлуғ бўлсин деб бир жуфт нон қўйилади, узоқ сафарга жўнаганда ризқи узилмасин деб бир жуфт нон тишлатилади. Ноннинг юзи бор деб ўнгидан тишлиб ейишни ўргатишади. Нонни ўртага қўйиб қасам ичилади... Қадим-қадимдан яшаб келаётган бу одатлар ҳозир ҳам замонавий мазмун билан бойиган. Республикализнинг ҳар бир вилоятида нон пиширишнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида Самарқанд ва водий нонлари алоҳида ажралиб туради.

Самарқанд ширмойи нонларининг таърифи етти иқлимга кетган. 1973 иили Самарқандда ўtkазилган этнограф-антропологларнинг илмий-амалий конференциясида тўй учун маҳсус тайёрланган тўрт хил нон намунаси намойиш этилди. Улар орасидаги улкан нон-саккиз килограмм ундан тайёрланган ёғли патир ҳам ташқи безагининг гўзаллиги билан, ҳам хуштаъмлилиги билан ҳамманинг диққатини тортди. Конференцияда бу нонларга паспорти тўлдирилиб, Ленинграддаги халқлар этнографияси

¹ Ўша асар. 68 - бет.

музейига тақдим этилди. Ҳозиргача музейнинг энг ноёб экспонатларидан ҳисобланган Самарқанд нонлари олдида томошабинлар узоқ қолиб кетадилар ва нон ижодкорларига тахсинлар ўқийдилар.

Ёшларни кекса авлод анъаналари руҳида тарбиялашда уларнинг ота-оналар, уруш ва меҳнат ветеранлари билан юзма-юз учрашувларини уюштириш, миллий байрамларга, касб-хунар ва фасллар билан боғлиқ тантаналарга, “Хотира куни” маросимларига жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада маҳаллаларнинг фаолияти самаралидир. Маҳаллалар қўмитаси таркибида ёшлар билан ишлаш, тўй комиссияси, хотин-қизлар комиссияси, санитария ва гигиена, маориф, ўртоқлик суди ишлари бўйича комиссиялар, халқ университети, клуб, спорт секциялари мунтазам ишлаб турибди. Масалан, тўй қиласидаги одам комиссия ишлаб чиқсан маҳсус низомга риоя қилиши керак. Низомга кўра тўй бир кунда ўтказилиши, тўйга чақириладиган одам 150 кишидан ошмаслиги, ичкиликсиз ўтиши лозим.

Кейинги йилларда “Синфдошлар учрашуви”, “Курсдошлар учрашуви” деган янги удумлар хаётдан кенг ўрин олмоқда. Бу ОТМ талабаларига хам хос. Бу одат мазмунида катта ижтимоий маъно бор: мактабда ўн йил бирга ўқиган синфдошлар йиғилиб завқли-шавқли болалик йилларини эслайдилар, таълим берган ўқитувчиларини йигинга таклиф этадилар ёки уларни бориб кўрадилар, муқаддас даргоҳ-мактабларини зиёрат қиласидилар, ўқувчилар билан учрашадилар.

Яккабоғ районидаги Калинин номли ўрта мактаб ҳовлисида тўп-тўп бўлиб қизғин сухбатлашаётган, қадрдон синфхоналарини айланиб ширин хотираларга берилиб турган кишилар-синфдошлар бундан ўттиз йил муқаддам шу мактабни битириб етуклик аттестати олишган эди. Болалиқда киши кўп нарсаларнинг қадрига етавермайди. Кўп йиллар ўтгандан сўнг остонасида югурик болалик қолиб кетган ўша мактабга ташриф буюрган кишининг кўнглидан нималар кечишини тасаввур қилиб кўринг-а! Йиллар

ўтган сари, воқеалар узоклашган сари болалик хотиралари азизроқ бўлиб борар экан.

Синфдошлар бугунги қувончили дийдорлашув кунида ўқувчилик йилларини, ўшандаги бўлиб ўтган қизиқ воқеаларни энтикиб эслашди... Улуғ Ватан уруши ғалаба билан якунланган йилнинг кузидаги шу мактабнинг биринчи синфига бирор эскигина сурп кўйлак иштон, бирор қуроқ чопон кийиб илк қадам қўйди, Болалар ҳали ўқиш, ёзишни билишмаса ҳам, ҳаёт аччиқ-чучугини татишган, уруш қийинчиликлари изғирини улар устбошини ҳам ялаб ўтган эди.

Ўша йиллардаги тўйлар ҳам хотираларда муҳрланиб қолган. Тўй ўтадиган ҳовлида узун қуроқ дастурхон ёзилар, нон, туршак, парварда сочиб қўйиларди. Тўйга келганларнинг ҳар бири олдига устига бир қисм парварда солиб иккитадан нон қўйиларди. Кейин ош тортиларди. Ошни еб бўлгач, ҳар ким олдига қўйилган нон билан парвардани олиб кетарди. Бу тўйга келмаган болаларнинг ҳақи. Кишилар оғир йилларда ҳам бирбирларини қўллаганлар. Ўша тўйларда ичкилик деган нарса ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди... Машаққатли йиллар ортда қолди. Қишлоқлар қиёфасида ҳам, одамлар турмушида ҳам бекиёс ўзгаришлар содир бўлди. Ўша йили мактабни битирганлар - бугунги тантанада қатнашаётганлар орасида олимлар ҳам, қурувчи ва пахтакорлар ҳам, врач ва ҳамширалар ҳам бор. Тантанада ҳар бир киши ўз ишлари ва режалари, ўз қишлоғида, колхозида рўй бераётган янгиликлар, янгича урф-одатлар ҳақида гапирди¹.

“Синфдошлар учрашуви” маросимининг биттаси шундай ўтган эди: Бугунги меҳмондорчиликни уюштириш навбати сувчиники эди. Унинг ўн бир фарзанди - олти ўғли, беш қизи бор. Кеч қуз бўлгани учун уйга жой қиласидан бўлишди. Йиғинга бутун оила уч ой тайёргарлик кўрди. Сувчи фалончи синфдошим Тошкентда вазир, пистончиси олим, униси бошқарма бошлиғи, буниси трест каттаси деб хизмат қилаётган ўртанча ўғилнинг армиядан келишига атаб қўйилган қора қўчкорни сўядиган бўлди, ичимлик

¹ Корабоев У. Ўзбекистон байрамлари. - Т.: “Ўқитувчи”. 1991.

ғамлади. Нихоят кутилган кун келди: “Эрталабдан бутун оила тўрт тарафга югурди: кимдир чойи ичимли бўладиган булоғ сувига, кимдир тоқقا - қўй қатиғига, кимдир қўчқорни сўйдиргани қассобга чопди, қизлар эса жizzали патир ёпишга уннаб кетишид...”

Меҳмонлар олди-кети билан тўрт соатда йиғилиб бўлди. “Замон яхши-да, тўқчилик!” деб қўйди бир чеккада ўтирган синфдош қишлоқ муаллими. Қассоб билан магазинчи бўлса жаги-жагига тегмай вазирни роса мақтади. Дастурхон ноз-неъматга тўла. “Катта”лар: “Иш қўп, бошқа жойларда ҳам кутишяяпти”, деб қора қўчқорнинг шўрваси сузилмасдан ўринларидан туришид.

- Кетгани яхши бўлди, бир мириқиб ичишайлик, - деди қассоб.
- Магазиннинг калити чўнтағимда, олаверинглар, синфдошлар, - деди магазинчи.

Хуллас, “Синфдошлар учрашуви” ярим тунда қассоб билан магазинчининг жанжали билан тугади... Хўш, бундай ўтиришдан нима маъно чиқди?!

Олий мактабда ўқиган “Курсдошлар учрашуви” деган маросим ҳам аслида янги ва ижтимоий маънога эга. Лекин баъзи ҳолларда бундай учрашувлар даврасида ҳам ичкиликнинг ҳукмрон бўлиши қузатилмоқда... Бунга айниқса талаба ёшлар орасида йўл қўйиш мумкин эмас.

Халқимизда “Суюнчи” деган ажойиб анаъна бор. Оилада янги меҳмон - фарзанд тугилганда, узоқ сафардан, саёҳатдан қайтганда, байрамларда, йўқотилган қимматбаҳо нарса топилганда, яхши хушхабар эшитилганда, нихоят, йигитлар ҳарбий хизматдан қайтганда “Суюнчи” билан сийлаш удуми бор. Аслида бу яхши одат! Масалан, бундай пайтларда “Севинтирганингиз учун раҳмат!” - деган бир оғиз ширин сўз айтилади, ёхуд дўппи, рўмолча, кўйлак, тўн берилади.

Янги анъаналар ва урф-одатлар, маросимлар инсон ҳиссиёти ва руҳига эмоционал таъсир этади, эстетик гўзаллик пайдо қиласи. Ҳар қандай байрам ва маросимда энг аввало жамият, гурух, шахс ҳаётидаги муҳим

бирор воқеа ўз аксини топади. Шу боис маросимда киши қалбидა ёрқин ва чуқур ҳиссиёт мавжланади. Ҳатто, бирон тантанага тайёргарликнинг ўзиёқ кишиларда маълум кайфият, ҳаяжонли кечинмаларни вужудга келтиради. Тантана давомида, бу кайфият ҳаяжон кучайиб боради ва кульминацион нуқтага кўтарилади. Сўнг туйгулар тугёни аста-секин пасайиб, киши руҳий тин олади. Бинобарин, анъаналар ва маросимлар кишиларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим воситасидир: маросим иштирокчилари гўзалликни қабул этибина қолмай, уни ўzlари ижод қиласидилар. Маросим ҳаракатлари бадиий ижодиёт учун катта имкониятлар яратади - қўшиқ, рақс ва куйлар кўпгина халқ маросимларининг ажралмас қисмидир.

Хуллас, халқимизнинг ҳаётбахш, қадриятлари, гўзал анъаналари, урф-одатлари, байрамлари ва удумлари замондошимиз маънавий оламини бойитиша мухим роль ўйнайди. Янги миллий маросимлар қанчалик ёрқин ва гўзал бўлса, уларнинг эмоционал ва тарбиявий таъсири шунчалик кучли бўлади. Зотан, гуманистик ҳис-туйгуларни уйғотадиган анъаналар, урф-одатлар ва байрамлар бугунгагина эмас, балки келажакка ҳам хизмат қиласиди.

Янги анъаналар, урф-одатлар ва расм-русумларни кенг оммалаштириш кунт ва чидамли тайёргарликни, чинакам ташкилотчилик ва ижодий ёндашишни талаб қиласиди. Кекса фахрийлар, хотин-қизлар ташкилотлари, маҳалла қўмиталари ва жамоат ташкилотларининг ҳар тарафлама ёрдами бу соҳадаги ишнинг муваффақиятини таъминлайди. Тажрибалардан аёнки, миллий урф-одатлар, байрамлар ва маросимларни оммалаштиришга кенг жамоатчилик ташаббускор бўлган жойларда меҳнаткашларни инсонпарварлик руҳда тарбиялаш иши ҳам самаралидир. Зеро, ҳаётбахш удумлар - гўзал ҳаётимиз зийнати, кўрки, безагидир!

**II БОБ. Республикамиз таълим-тарбия тизимида ёшларни
миллий-маънавий қадриятларга содиқлик ҳамда ватанпарварлик
руҳида тарбиялашнинг методологик асослари**

**2.01. Собиқ шўролар даврида миллий қадриятларга нисбатан
олиб борилган сиёсатнинг мазмун-моҳияти ва салбий
характери.**

Маълумки мустамлака даврида миллий анъана, урф-одат, маросим, марака, қадриятларга муносабат Чор хукумати, мустамлака маъмуриятининг “Буюк давлатчилик шовинизми” сиёсати ақида, мақсадлари билан белгиланар эди.

Шунга қарамай Чор мустамлакаси “Ярим Оқ пошшо” деб аталган Туркистон Умумволийлари Куропаткин, Кауфман, уларнинг илм соҳасидаги маддоҳлари Ильминский, Остроумовларнинг ўз эътирофларига кўра мустамлака тузуми олиб борган сиёсати, истибоди, бедодликлари-ўрислаштириш, христианлаштириш, миллий маданият, турмуш-тарзимиз, урф-одат, маросим, анъана ва қадриятларимизни камситиш, ерга уриш, хўрлаш, йўқ қилиб юбориш, маҳв этиш сиёсатига қарамай халқимиз ўз миллий анъаналари, қадриятлари, урф-одат, маросим, турмуш-тарзи учун қаттиқ, муросасиз кураш олиб борган эди. Ана шу маънавий қадриятлар, миллий ўзликка қайтиш миллий озодлик учун курашнинг ёрқин сахифалари хақида талаба ёшларга сўзлаб бериш, асосли тарихий далил-исботларни келтириш, улар асосида театрлаштирилган чиқишилар ўюштириб кўрсатиш уларда катта ва ёрқин таассурот қолдиради.

Бу курашнинг ёрқин сахифаларига оид кўплаб материаллар мустақиллик йилларида эълон қилинди. Ана шулар орасида Туркистон миллий озодлиги, миллий давлатчилик учун кураш раҳнамоси, йўлбошчиси машхур Дукчи Эшон - Мухаммад Али Собир Халфа ўғлининг Чор Суд маҳкамаси тафтиш ва хукм чиқариш асносида илгари сурган куйидаги Дастурий “айбномаси” чуқур ва ёрқин ғоя, фикрларга бой.

Эшон халққа мурожаат қилди:

“Эй, муҳтарам мусулмонлар! Эй, биродарлар! Ҳаммангизга маълумки, юртимиз мусулмон юрти, эл мусулмон, халқ мусулмон, хон мусулмон, шариатнинг ҳукми жорий, амри ноғиз эди. Ҳукуматни Аллоҳ таоло ўзи биладур, коғирларни мусаллат қилди, юртимизга ўрус келди. Худоёрхон ўрнига Кауфман, Умархон тахтига Чернайуф ўлтириди. Фарғона хонлиги ерида Москов хонлиги - оқ подшо ҳукмрон бўлди.

Ўрус Ватанимизга истило этди. Сўнгра тилимизга истило қилди. Секин-аста динимизга истило қилмоққа бошлади, биласизларки, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди. Ўриснинг келғонига ўттиз йил тўлмай мусулмонлар рибога одатланди, ҳалол-ҳаромни фарқ қилмас бўлди. Қозиларимиз бўйнига бут тақадиғон бўлди. Хулоса (шулки), шариатимиз хор, мусулмончилик ғариб бўлди. Ҳурриятимиз ғойиб бўлди, истиқтолимиз маҳв бўлди, ўзимиз ўтмас, сўзимиз кесмас бўлдик.

Эй воҳ...

Оқ подшонинг номидан янги фармон келди. Николайни, яъни бир ўруснинг номини жума намозининг хутбасида хутбага қўшиб ўқулсин деб ва яна кўчирма сиёсати ила ватанимизга мужикларни ерлаштириди, ҳар тарафни тўнғиззор қилди.

Қубони-Федченко, Марғилонни-Гўрчакоф, Симни-Искобилиф, Бағдодни-Серово, Конибодомни-Милникуф деб ҳамма шаҳарларимизга бирор ўрус генералларининг исмини тақди. Ҳар шаҳарда, ҳар қишлоқда бутхоналарнинг қўнғироқини жаранг-журунг овози кўпайди.

Банка деган бир рибохона қурилди, динимизда йўқ судхўрлик, ҳаромлик ривож топди. Ҳамманинг халқуми булғанди, ҳар шаҳарда янги шаҳар деган бир фисқхона қилди, фисқнинг ҳамма нави ҳозирланди. Мусулмонларни йўлдан оздирди. Аксар мусулмонлар янги шаҳардаги ичкилиқ дўконларига, ошхоналарига, қиморхоналарига муштарий бўлди, фохишаҳоналарига ўрганди, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди.

Эй мусулмонлар, бунга сабаб ўзимиз бўлдик. Бу ҳолимизга Аллоҳ ҳам рози эмас, Расул ҳам рози эмас. Бу асорат ва маҳкумиятга ҳеч ким рози эмас, инс ҳам, жинс ҳам рози эмас. Эй биродарлар, тек тураверсак бу кофир яна баттар қиладур! Вой бизнинг ҳолимизга!

Тарихда ўтган муazzам бир салтанат қургон қаҳрамон паҳлавонлар авлодимиз - бу зиллатга ҳеч қандай зируҳ чидамас. Қани биздаги шижаот, қани аждодларимиздаги басолат, сизларга нима бўлди?...Муҳаммадинда мадфун 400 олимимиз бордир, ҳаммаси мусулмон, ҳаммаси турк, ҳаммасининг исми Муҳаммад ҳаммаси ханафий мазхабдур. Бу исмда, бир мазхабда, бир қабристонда бу қадар олимлари тўпланган Туркистонни дини тақдимда, дин одамларини етиштиришда на даражада хизматлари сабқат элтганлиги ўқувчилар диққатига арз ўлиндур. Жаҳон тарихида, ер юзида, кўк юзида бу мисли кўрилмағондир. Туркистонликлар ҳар қанча ифтихор этса арзийдур, бажодур, эй биродарлар, бизлар шундок аждоднинг набираларимиз. Ўлук уйқусида ухлайсизми?! - деб ҳазрат Эшоннинг сўзи бу жойга келғонда зори бошланди. Ҳозир турғонлар хўнг-хўнг йиғлаш билан Эшоннинг амрига ошода эканликларини билдирилар, аларнинг ҳаяжонларини босиш учун ҳазрат Эшон сўзида давом этди:

Эй биродарлар, ҳурриятимизни олайлик, ўз Ватанимиз, ўз юртимизда ўзимиз ҳукумат қурайлик. Бунинг учун биздан ғайрат истайдур, ҳиммат истайдур, жиҳод истайдур, фисабилиллоҳ жиҳод вақти келди”.

Дукчи Эшон илгари сурган юқоридаги аччик заҳарханда эътирофлари, хулосалари, айловлари аслида моҳияттан Чор мустамлака истибодод тузуми-миллий давлатчилигимиз, миллий ўзлигимиз, анъана, урф-одат, маросим, қадриятларимизга қарши қаратилган, миллатга, инсониятга қарши жинояллари борасидаги Дастаний “айблов”дир¹.

Бухоро амирлиги маърифатпарварларидан бири Салимбек Нурота музофотига бек этиб тайинлангач, Наврӯз кунлари улуғ зиёратгоҳ Нури Ота мақбараларини таъмирлаш жараёнида қабрнинг ўйилиб қолган

¹ Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси. - Т. “Чўлпон”. 1992. 49-бет.

жойларига кўзи тушиб, хилхонани очиб, қайта ёпиш фатвосини олган. Куръон туширириб қабрни очаркан, худди тирик инсондай мангу уйқуда ётган авлиё жасадларига нигоҳи тушган. Нури Ота худди минг йил аввалгидек, оппоқ соқоллари кўксиларига тушиб, юзлари тўла нур билан ётган эканлар. Шу заҳоти жасаднинг унақиб, қорая бошлаганини сезган Салимбек меъмор-усталарга таъмирни шошилинч тугатиб, қабрни ёпиш топширигини берган. Афсуски, 1941 йилда Гўри Амир хилхонасини очган ҳукумат комиссияси аъзолари халқларимизнинг анъанавий муқаддас туйғуларини назар-писанд қилмаганлар. Удумларимизни оёқости қилганлар.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида талаба ёшларга собиқ Иттифоқ тузуми даврида милий қадриятларга нисбатан олиб борилган машъум сиёsatнинг инсониятга, миллий ўзликка ва шахсга қарши жиноий ҳарактерини очиб бериш ҳам уларни миллий қадриятларга содиқлик ҳамда миллий Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнининг яна бир муҳим методологик асоси бўла олади.

Чор мустамлака истибодод зулмининг ворислари бўлмиш большевиклар, Шўро қатағон тузуми соҳта “Ёрқин келажак” учун кураш йўлида миллий анъана, урф-одат, маросим, қадриятларни йўқ қилиб юбориш шиорлари остида қатағон сиёsat юргиздилар. Бу анъана, урф-одат, маросимларга қарши машъум сиёsatнинг асосий ғояларини Шўро қатағон тузумининг асосчиси раҳнамоси қуйидаги назарияда-ғайри ақлий ва ғайри инсоний ақидаларида ифодалаган эди: “Коммунизмни куриш, мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашиш коммунистик аҳлоқнинг асосидир”¹. Бу амалда эски жамиятга, унинг анъана, урф-одат, маросим, қадриятларига қарши курашни англатар эди.

Бу методология-миллий анъана, урф-одат, маросим, анъана, қадриятларга қарши кураш компартияning дастурларида асос қилиб олинган, халқимиз бошига кўпгина кулфатлар солиб, унинг азалий ва

¹ Жамиятшунослик хрестоматияси. - Т.: “Ўқитувчи”. 1977. 16-бет.

умуминсоний қадрият мазмунидаги анъана ва қадриятлари, урф-одат, маросимларига қарши тотал кураш, миллий ўзлик, онгимизни таг-туги билан маҳв этишга қаратилган эди.

Натижада, Ўзбекистонда миллат маданиятига, минглаб йиллар давомида халқ амал қилиб келаётган урф-одатлар ва маросимларга нисбатан ҳам қўпол ҳаракатлар бошланиб кетди. Академик Э.Юсуповнинг қўйидаги хотиралари диққатга сазовор: “Айниқса Наврӯз байрами, суннат тўйи, сумалак пиширишга қарши кураш кучайди. Республика раҳбарияти олимларни бир неча марта тўплаб, Наврӯз байрамига муносабат масаласини мухокама қилди. Олимлар бу маросимнинг тарихи, ижтимоий, тарбиявий аҳамияти ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳам ёзиб беришди. Мухокама вақтида кўпчилик бу маросим Ислом динига алоқадор эмаслигини исботлаб берди. Бу ўтроқ халқларнинг кўкламда, янги экиштишиш мавсумининг бошланиши муносабати билан ўтказадиган маросим эканини айтишди. Қатағон тузумнинг бу ишлардаги ғоявий маслаҳатчилари эса Наврӯзни Ислом динидан аввалги динлар билан боғланган маросим эканини айтишди. Бу фикрни ҳеч ким қўлламади. Лекин шундай бўлса ҳам Наврӯз байрамини бекор қилиш, унинг ўрнига “Навбаҳор” деган байрамни жорий этиш ҳақида қарор қилишди. Кўп масалалар мухокамага қўйилса ҳам бу хўжакўрсинга қилинадиган бир иш эди. Ким қандай фикр айтиши, мухокама қандай бўлишидан қаттий назар, катта раҳбарлар билганича иш қилаверар эди. Ҳайбаракаллачи олимлар ва ёзувчилар энди “Навбаҳор” байрамини кўкларга кўтариб мақтай бошладилар.

Сумалак пишириш одати ҳам ўтмишнинг реакцион сарқити сифатида талқин этилди. Уйида сумалак пиширган баъзи зиёлилар партиявий жазо олгани ҳам эсимизда.

Суннат тўйига нисбатан бўлган ноўрин муносабат авваллари ҳам учраб туради. Кўп ҳолларда баъзи зиёлилар суннат тўйини “туғилган кун”, деб эълон қилас, орадан анча вақт ўтганидан кейин фарзандларнинг

қўлини ҳалоллашар эди. Бирор бирордан ўч олмоқчи бўлса, суннат тўйи ўтиши биланоқ устидан шикоят ёзарди, раҳбарлари тезда бу фактни текшириш учун комиссия юборардилар. Агар бирор киши фарзандининг қўлини ҳалоллаганини исботланса, унга жазо беришни талаб қилишарди.

1984-1986 йилларда суннат тўйларини қоралаш компанияси яна ҳам кучайиб кетди. Шунга қарамай бу давр ичida ҳам Ўзбекистонда ўз ўғлининг қўлини ҳалолламаган бирорта оила бўлмади.

Дин ва диний маросимларга нисбатан бўлган салбий муносабат ниҳоятда вахшиёна тус олди. Кўплаб масжидлар ёпиб қўйилди, баъзи масжидларни 20- йиллардагидек омборхоналарга айлантириб юборишиди. Бирор одам вафот этса дафн этиш маросимида қатнашиш ҳам хавфли бўлиб қолди. Партия аъзолари, раҳбарлар жаноза ўқитишида иштирок этсалар қаттиқ жазоланарадилар. Яқин танишлар вафот этса фотиҳага ҳамма яширинча борадиган бўлиб қолди. Диний эътиқоди кучли бўлган кишилар бориб сигинадиган муқаддас жойлар ҳам бузиб ташланди. Баъзи диндорлар муқаддас ҳисоблайдиган минг йиллик чинорлар, бошқа дараҳтлар таг - томири билан қўпориб ташланди. Аёлларнинг болалари бешиги олдида “алла” айтиши ҳам қораланди. Гўёки алла деган сўз “Оллоҳ” деган маънони англатар эмиш. “Ялла” деб номланган машхур ансамблнинг номи ҳам “Ё Оллоҳ” деб талқин қилина бошлади. Тошкент шаҳридаги Ракат деган жой, у ердаги баъзи ошхоналарнинг номи ҳам тезда ўзгартилиб чиқилди. Қандайdir бир чаласавод мафкурачи “Ракат” сўзи беш вақт намозни билдиради, деб талқин этган. Хақиқатда эса “Ракат” - Роҳикент деган сўз бўлиб, шаҳарга борадиган йўл маъносини англатади.

Талабалар ўз ўқитувчиларига “домла”, деб мурожаат қилишлари ҳам таъқиқлаб қўйилди. Энди талаба ўз муаллимига, Иван Иванович деган қаблда, Карим Содикович, деб муомала қилиши керак экан. Кимдир “домла” сўзи масжиддаги имомни билдиради, деб ўйлаган бўлса керак. Аслида “мулла” сўзи ўқимишли, билимли, ақлли одам деган маънони

билдиради, “до” қўшимчаси унинг аҳамиятини кучайтиради, жуда билимли, жуда ўқимишли одам, деган маънони англатади.

Бирор яқин кишиси вафот этганида жаноза ўқитган ёки Куръон ўқитган кишиларни жазолаш ҳоллари ҳам кучайиб кетди. Машхур олим Садриддин Йўлдошев ҳам укаси вафот этганида жаноза ўқитгани учун партиявий жазога тортилди ва ишидан четлатилди. Ҳолбуки укаси дафн этилган куни у Тошкент шаҳрида бўлмаган. Шу “гуноҳи” учун у кўп йиллар давомида қувфинда бўлди ва бевақт ҳаётдан қўз юмиб кетди.

Машъум қатағон тузумнинг умуминсоний, миллий урф-одат, маросим, байрам, анъана, қадриятларга, турмуш-тарзига қарши бундай мислсиз қатағон сиёсати ва бунинг ҳалокатли оқибатлари - миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам, қадриятларга бефарқ, лоқайд, нигилистик, менсимаслик, ҳатто ҳазар қилиш, яъни миллий ўзлик, онгнинг барбод этилиши айниқса ижтимоий фанлар соҳаларида, шу жумладан фалсафа, этика, эстетика, социология, маданиятшунослик каби фанларда мазкур муаммоларнинг мутлақо ғайри илмий, ғайри инсоний йўналишда олиб борилишига, анъана, урф-одат, маросим, қадриятларга, миллий турмуш-тарзи психологиясига мутлақо салбий, ўткинчи ҳодиса - “ўтмиш сарқити” сифатида муносабатда бўлиши, бундай сиёсат юргизиш тасодифий ҳол эмас эди.

Шўро қатағон тузумининг 70-йиллар бошигача бўлган даврда амалда миллий ва умуминсоний анъана, маросим, урф-одат, қадриятлар, турмуш-тарзини қатағон қилиш давом этди. XX асрнинг 70-йилларига келиб Ўзбекистонда акад. И.М.Мўминов ташаббуси билан миллий анъана, қадрият, маросим, урф-одат, турмуш-тарзини илмий ўрганишга баъзи уринишлар бошланди.

Хусусан, марҳума фалс.ф.д., проф. О.П.Умрзоқованинг турмуш-тарзи ва халқ анъаналарига бағишланган монографиясида турмуш-тарзига қўйидагича таъриф беришга уринилган:

О.П.Умрзокова “турмуш тарзи” ўрнига “турмуш” категориясини кўллаб, унга “тарихан таркиб топган социал-иқтисодий ва маънавий факторлар билан белгиланадиган кундалик ҳаёт уклади бўлиб, шу асосда рвожланган муносабатлар, анъаналар ва урф-одатлардан иборатдир”¹ деб таъриф беради. Олима урф-одатларнинг турмушдаги ўрни ҳақида тўхталади, аммо уларнинг миллий жиҳатлари ҳақида деярли ҳеч нима демайди. Бизнинг фикримизча, олимага ўша даврда ҳукмрон бўлган воқеа ва жараёнларга синфий, мафкуравий нуқтаи назардан ёндашиш, фақат 1917 йилги октябр тўнтаришидан кейинги даврда шаклланган турмуш тарзини улуғлаш мавзуни объектив очиб беришга маълум даражада тўсқинлик қилган. Умуман, бундай ёндашиш ўша даврдаги барча тадқиқотчиларга хосдир. Аммо О.Умрзокова Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, бу мавзу билан шуғулланиб янги тадқиқот соҳасини бошлаб берди.

О.П.Умрзокованинг ана шу баъзи уринишларига қарамай Ўзбекистонда анъана, урф-одат, маросим, байрам, қадриятларга юқоридагидек вульгар-социологик қатъий салбий, инкор этувчи, нигилистик муносабат XX асрнинг 90-йилларигача сақланиб қолди деган хулоса чиқариш мумкин.

Юқорида баён этилганлардан яққол кўзга ташланадики собиқ Шўро қатағон тузуми даврида миллий қадриятларимизга нисбатан юргизилган машъум сиёсатнинг асосий принциплари, ҳаётий мисоллари қатағон тузумнинг миллий қадриятларимизга қарши инсониятга, миллий ўзликка ва фаол шахсни шакллантиришга қарши қаратилган жиноий моҳияти, ҳарактерини чуқур, ишонарли очиб, исботлаб беради. Бу эса ОТМ талабаларини миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларда амалий малака ва ирода кўникмаларини шакллантиришнинг энг муҳим, самарали методологик асосларини ишлаб чиқиш, амалда қўллаш имконини беради.

¹ Умрзокова О. Социалистик турмуш ва халқ анъаналари. Т.: 1967, 4-бет.

ОТМ ларда таълим-тарбия тизимида айниқса Наврўз тантаналаридан самарали фойдаланиш лозим. Наврўз Шарқ халқлари орасида бир неча минг йиллардан буён яшаб келмоқда. Кўп асрлар давомида Македониялик Александр, араблар, мўғуллар каби бир қанча босқинчи қўшинлар Шарқ халқларининг умумий байрами Наврўзни йўқ қилиб, ҳалок килиб юборишга ҳаракат қилдилар. Аммо Наврўз барҳаётлигича қолаверди, кайта тирилаверди. Наврўз бирон бир санани нишонлаш учунгина байрам қилинадиган ҳодиса ҳисобланмайди. У табиатнинг ўзидан келиб чиқсан, куну тун тенглашгандан сўнг, энди кунларнинг узайиши, узлуксиз меҳнат арафасидаги байрамдир. Узок қишдан сўнг кўкда қуёшнинг юз кўрсатиши, қирда майса-гиёҳларнинг ниш уриб чиқиши халқимиз учун ҳақиқий шодиёнага айланган. Нега деганда, ўтган йилги йифилган ғалла ҳам, озиқ-овқатлар ҳам тугаб бўлай деган, илик узди пайтларда яна Она Табиатнинг ўзи меҳр-муруват кўрсатиб, ёруғ кунлардан дарак берган. Шу кунларгача эсон-омон етиб келишган қарияларнинг ҳам томирларида қайтадан ғайрат жўш урган. Наврўзниң нав-янги, рўз-кун, яъни янги кун деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Бу қадимий, анъанавий Янги йил байрамимиз ҳақида улуғ боболаримиз Абу Райхон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида, Маҳмуд Қошғарий эса “Девону луготит турк” асарида жуда қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Умар Хайём олим, файласуф сифатида бу байрам ҳақида “Наврўзнома” номли маҳсус китоб ёзган. Навоийнинг устози-туркигўй шоирларнинг маликул каломи-Лутфий домла “Гул ва Наврўз” ўлмас достонини яратганки, бу асар ҳамон саҳналаримизни безаб беришда давом этиб келаётир.

Наврўз байрамига яқин ўтмишимизда ҳам бир муддат ҳужум уюштирилди. Аммо қадимий одатимиз бу галги қатағондан ҳам эсон-омон ўтиб олди. Мана, бугун яна биз ўзбеклар ҳам барча Шарқ халқлари сингари ўз миллий урф-одатимиз Наврўз-Янги йил байрамимизни бор малоҳати, бўй-басти билан кўз-кўз қилиб ўтказяпмиз. Наврўз байрами кеча

билан кундузнинг тенглашган пайти, баҳор фаслиниң 21-22 март кунларидан бошлаб бир ҳафта, ўн кун давомида ўтказилган. Бу байрам, аввало, табиатниң жонланиши, янгиланиши, янги йил билан юртимизга гўзал Баҳор фаслиниң кириб келиб, келинчакдек ўз яшил сепини кенг ёйиши билан бошланган.

Ота-боболаримиз, буви-момоларимиз бу байрамни нишонлаб, турли-туман, ранг-баранг удум ва маросимлар ўтказишган. Қадимда аждодларимиз Наврӯз кунлари қиши манзиллари-қишлоқлардан ёзги меҳнат ва ҳордиқ масканлари-ёзлоқларга кўчиб ўтишган. Далаларда баҳорги экинтикин ишлари бошланиб кетган. Дехқонлар ерга қўш солишган. Жамоа-жамоа бўлиб, ҳашар-ошарлар уюштирилган. Ўтган аждодлар руҳи ёд қилинган. Уларниң мозорлари ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилган. Оммавий равища мевали, манзарали дараҳтлар ўтказилган. Далаларда, ўтлоқларда, қир-адирларда Наврӯз-янги йил, янги ҳаёт қайнаган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Наврӯз табиатниң ўзидан, табиий равища келиб чиққан байрамдир.

Диний қадриятларимиздан бири ҳайитлар қадимий диний байрам бўлиб, уларниң таркибиға кирган кўпгина маросимлар Исломдан олдин ҳам халқ таомилида бўлган. Ислом уларни омухталааб, ўз қонунларини кўшиб, ҳайит-байрамларниң умрини узайтирган.

Ҳайитларниң икки хили мавжуд бўлиб, халқимиз бу байрамларга азалдан амал қилиб келади. Биринчиси-Қурбон ҳайити, Катта ҳайит деб аталади. Унинг олдидан 2 кун қолганда, арафа кунлари нишонланади. Ёлғон арафа, 1 кун қолганда чин арафа, учинчи куни эса ҳайит байрам қилинади. Ёлғон ва чин арафа кунлари ҳар бир хонадонда ис чиқарилиб, чалпак, бўғирсоқ, талқон, палов қилинади. Қўшнилар бир-бирларини ҳайит билан муборакбод этиб, хонадонларга пишириклар чиқарадилар. Болалар ва ўсмирлар чопқиллаб яқин-узоқ хонадон, қариндош-уруғларни йўқлашга бориб-келадилар.

Кичик ҳайит бу Рўзаи рамазон деб аталиб, одатда рўза ойи якунида ўтказилади. Ҳайитлар Ийдлар ҳам деб аталади. “Ҳайитингиз муборак бўлсин”, “ийдингиз қуллук бўлсин” каби табрикларининг маъноси бир хилдир. Катта ҳайит бутун дунё умумхалқ маросими-ҳаж, яъни Каъбага зиёратга бориб, ҳаж намози ўқиши давридан бошланиб, айрим жойларда 7 кунгача байрам қилинади. Бизнинг Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиё ҳалқлари орасида Курбон ҳайити Ислом маркази араб мамлакатларидагидек етти кун эмас, балки уч кун байрам қилинади. Курбон ҳайити-ийд-ал-адҳа, рамазон ҳайити-ийд-ал-фитр, меърож-ражаб ойи байрами, шунингдек, имом Хусайнни хотирлаш куни-ашуро, тақдир кечаси-лайла-тул-қадр, Муҳаммад Пайғамбарнинг туғилган кунлари-Мавлуд ислом динида асосий ҳайит-байрамлар саналади. Қурбон ҳайити зулҳижжа ойининг 10-13 кунларида (10-13 декабрь) тантана қилинади. Баъзи мамлакатларда шу ойининг (зулҳижжанинг) 7 куни, яъни ҳаж бошланган кундан 7 кун давом этади¹.

Рўза ҳайити эса рамазон ойи тугаб, янги шаввол ойининг 1-3 кунларида байрам қилинади.

Ҳайитнинг биринчи куни сахарда каттаю кичик жоме масжидларига бориб, бомдод намози ўқийдилар. Гадо-ю, бева-бечораларга садақа берилади. Қурбонлик қилиб, ис чиқарилади. Кейинги кунлари мозорларга борилиб, ўтганларнинг руҳига дую фотиҳа қилинади. Азадорлар эса тўн кийиб, белбог боғлаб, дўппи кийиб, марҳумнинг уч кун давомида йўқловини ўрнига қўядилар.

Ҳайит кунлари оиласа ширинликлар, янги кийим-бошлар, кийимликлар сотиб олиниб, болаларга, ота-она, бобою бувиларга ҳадя қилинади. Оилабоши рўзгорнинг каттадан-кичигига сармоя учун ўзига яраша пул, чақа улашади. Бу ҳайит харжи деб номланади. Маҳаллаларда, қишлоқларда, шаҳар жойларда янги тушган келинлар бориб кўрилади. “Келин кўрди” маросимлари ўтказилади.

¹ Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Сунний ақидалар. - Т.: “Мовароуннахр”, 2005. 29-бет.

Кичик ҳайит рўза намози билан боғлиқ маросим бўлиб, бир ой тутилган рўза-парҳездан кейин шаввол ойининг 1-3 кунлари байрам қилинади. Бу байрам ҳам гарчи номи кичик ҳайит деб аталса-да, халқ орасида жуда катта маросим сифатида нишонланади. Рўза намозидан кейин бозор, маҳалла, кўчаларда тухум, хўroz, ит, қўчкор уриштираётган ёш-ялангларни, масхарабозлик саҳналарини, дорбозлик ўйинларини, савдо расталари тўла байрам қандолату ҳолваларини учратишингиз мумкин. Рўза ичи ҳар куни оқшомлари муайян муддатда ифторлик “оғиз очиш” маросимлари ўтказилади. Бу ҳам ўзига хос меҳмондорчилик бўлиб, рўзадорлар ният қилиб ифторлик бераётган кишининг уйида ўз рўзаларини очиб, ифторлик луқмаларини тановул қилишади. Ифторчи рўзанинг савобига шерик бўлади. Рўзадорлар сахар туриб, тамадди қилиб, “оғиз боғлашади”. Яъни, кун давомида сув ичилмайди, овқат ейилмайди. Умуман, ҳеч нима истеъмол қилинмайди. Бу кишилик аъзоларини, баданни ўзига хос парҳез қилиш, бир оз тозалашга, даволашга қаратилган тадбирдир. Рўза киши иродасини тоблайди, қаноатга ўргатади. Эътиқодини мустаҳкамлайди.

Бир ойлик рўзадан кейин ғариб, мискин кишилар, камбағал, талабалар, гадоларга фитр рўзалар, яъни, рўза ҳақи, ҳадяси берилади. Бу ҳадяни ҳар ким ҳар хил: имконига яраша, пул-чақа билан, ун-нон бериб, кийимлик ёки сарпо билан узиши мумкин. Кўнгилдан чиқариб, худо йўлига чин ихлос билан эҳсон қилинган нарса савоб учун қабул қилинади¹.

Уч кунлик рўзаи рамазон байрамлари олдидан ҳам оқшомлари гавжум бўлади. Яъни, баъзан катталар, кўпинча болалар тўп бўлишиб, қишлоқларда рамазон айтишади. Рамазон ҳам халқимизнинг қадимий диний маросимларидан бири бўлиб, ўзига хослиги билан ажralиб тўради. Рамазонда машъала, ёқиб олган болалар тўп бўлишиб, хуфтонда ҳар бир хонадон дарвозасига бориб, рамазон айтадилар. Рамазон ҳайит кўшиклари жамланмасининг ёшлар томонидан жўр бўлиб, ижро этилишидир.

¹ Ўша асар. 32 - бет.

Рамазонда хонадонма-хонадон йўқлаб, маросим қўшиқлари айтилади. Уй эгалари рамазончиларни сийлаб, уларга нон, қанд-курс, кийимлар, пул-чақа беришлари мумкин. Баъзи одам иси ёқмас, одамови хонадон соҳиблари рамазончилар устидан дарвозахона томидан туриб челақда сув сепиб юборадилар. Айрим тенгдошлар ҳазил-мутойиба тарзида ҳам бу ишни амалга оширадилар.

Рамазон қўшиқларининг турли-туман матнлари фольклоршунослар томонидан ёзигб олинган¹. Улар орасида оммалашганлари ҳам анчагина. Рамазон қўшиқлари хонадонга яхшилик, ризқ-рўз, ўғил-қиз фарзандлар, барака-икбол тилаш, бу ойнинг муқаддас, хосиятли, баҳт келтирувчи ой эканлигини мадҳ этишга бағищланади. Инсонийлик, ўзаро меҳр-оқибат, Оллоҳ таоло олдидаги қарз, дунёнинг бебаҳолиги эсга солинади. Яхшилик қилиш, савоб орттириш улуғланади.

*Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Худойим ўғил берсин бешигингизга!
Рамазон айтган билан тӯёмизми?
Қадимги расмимизни қўёмизми?!*

Ҳар бир банд айтилган пайтда гуруҳнинг барча аъзолари: “Ё, рамазон” деган нақоратни тақрорлаб турадилар. Рамазончи ижодкор болалар ҳар бир уй-хонадоннинг ўзига мос жиҳатларини яхши билиб, қўшиқ айтганлар. Хусусан, бир оиланинг серфарзандлиги, аксинча, иккинчисининг бефарзандлиги, бой-бадавлат ёинки камбағаллигини албатта ҳисобга олишган. Шу томонларига қараб, рамазон мисралари тузилган:

*Шу уйнинг тенасида ой кўринар
Бу уйнинг эгалари бой кўринар...
Ё, рамазон!..*

Уй эгалари рамазон табриги-шеърий мисралардан хурсанд, эшикларини очиб, болаларга (умуман, рамазончиларга) атаганларини хадя

¹ Корабоев У. Ўзбекистон байрамлари. -Т.: “Ўқитувчи”. 1991. 63-65 бетлар.

қилганлар. Рамазончилар тушган ҳадя-эҳсон “молларини” ҳалфана қилиб, турли таомлар пишириб еганлар.

Ҳайитларнинг ҳар иккаласи ҳам одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлаган. Кекса-бемор, марҳумларни йўқлаш, зиёрат қилишнинг амалий ибрат-намунаси бўлиб, ёшларга бекиёс катта мактаб вазифасини ўтаган.

Шундай қилиб, ОТМ талабалари онгида мустамлака тузуми даврларида миллий қадриятларимизга нисбатан олиб борилган машъум сиёsatнинг моҳиятини ёрқин очиб бериш, чукур билим бериш орқали уларда асл миллий қадриятларимизга содиқлик руҳи, онги, амалий кўникма, малакаларини тарбиялашнинг методологик асослари яратилади.

2.02. Мустақиллик йилларида миллий ўзликка қайтиш ҳамда миллий қадриятларнинг қайта тикланиши ва ривожланиши.

ОТМ талабаларини миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашдаги яна бир муҳим методологик асос бу талабаларга айни Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг миллий қадриятларга бўлган муносабатнинг тубдан, моҳиятан ўзгарганлигини очиб, исботлаб беришдан иборатdir.

Миллий урф-одат, маросим, анъана, қадриятларга юқорида таҳлил этилган қатъий салбий, нигилистик, инкор этувчи - “ўтмиш сарқити” деб қараш Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган 1991 йилдан тубдан ўзгартирила бошланди¹.

Маънавий қадриятлар, миллий ўзликни англашнинг тикланиши Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги долзарб муаммолардан бири янги тарихий шароитда жамиятга муносиб кишиларни тарбиялаш эди. Бу ўз навбатида бир неча ўн йиллар мобайнида етарли даражада халққа маълум қилинмаган, синфий-партиявий мафкура томонидан таъкиқланган ўзбек халқининг маънавий меъросини тиклаши ва унинг янада камол топиши учун кенг имкониятлар очиши керак эди.

Дарҳақиқат, давлат томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётда маънавий янгиланиш жараёнини амалга оширмасдан мустақилликни мустаҳкамлаш учун халқни сафарап қилиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Ўзбекистон мустақилликка эришган йили, яъни, 1991 йил Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Пушкин номидаги Адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди.

1994 йил ҳукумат қарори билан Улугбек йили деб эълон қилинди ва унинг 600 йиллиги Ўзбекистонда ва жаҳон миқёсида кенг нишонланиши

¹ Жўраев Н. Миллий истиқлол мафкураси, шаклланиш жараёни. - Т.: “Шарқ”. 1998. 79-бет.

ҳам буюк аллома қолдирган илмий мероснинг умуминсоний қадриятга айланганлиги нишонасидир.

Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиршга улкан ҳисса қўшган алломалар сифатида халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолди. Самарқанд, Бухоро ва Хива бутун инсоният учун зиёратгоҳга айланди.

Ўзбекистонда ҳар йили Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Оғаҳий, Фурқат, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби улуғ шоир ва маърифатпарварлар кунларини ўtkазиш анъанага айланиб қолди. Масалан, 1992 йил май ойида мамлакатимиз пайтахтида бошланган Машрабхонлик кунлари унинг ватани Намангандага кенг нишонланди. Ушбу шаҳарда унинг номи билан аталувчи катта истироҳат боғи барпо этилди.

Мустақиллик даври том маънода ҳазрат Темурнинг қайта туғилиш даври бўлди. Амир Темурга муносабат, унинг тарихий хизматини муносиб баҳолаш ва иззатини ўрнига қўйишида шахсан И.Каримовнинг ўзи ташаббускор бўлди. Соҳибқирон шахсини улуғлаш учун у бутун имкониятини ишга солди.

Мамлакатимиз туманлари, хўжаликлари, сўлим кўчаларига бобокалонимиз Амир Темур номи берилди. Тошкент шаҳрининг марказида Амир Темур хиёбони бунёд этилди. 1993 йилда мазкур хиёбон ўртасида Соҳибқирон Амир Темур суворий ҳайкали ўрнатилди. Амир Темур фаолиятига оид турли адабиётларни нашр этишга киришилди. “Темур тузуклари” нашр этилди. “Амир Темур тузукларини ўқисам, - деган эди Президент И.Каримов, - худди бугунги замоннинг катта-катта муммоларига жавоб топгандек бўламан”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 29 декабрдаги “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги, қарори, Президентнинг 1996 йилни Амир Темур йили деб

эълон қилиш тўғрисидаги 1995 йил декабрдаги Фармони Амир Темур қадриятини тиклашда муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи Президентимиз И.Каримов ўзининг 1998 йилда тарихчи, журналистлар билан бўлиб ўтган ва кейинчалик “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номи остида эълон қилинган асарида илгари сурган гоя, хулоса ва ечимлари анъана, урф-одат, маросим, байрам, қадриятларга бўлган ғайри илмий, вульгар-социологик, нигилистик муносабат, сиёsatнинг энг аввало илмий-назарий, методологик ва қолаверса амалий-ташкилий жиҳатлардан тубдан ўзгартирилишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов ўзининг машҳур “Тарихий хотирасиз келажак йўқ!” деб номланган асарида-қисқа қилиб айтадиган бўлсак, йўқ бўлиб кетишга, маҳв бўлишга маҳкум этилган ўзбек халқи, миллати “ниманинг ҳисобидан, қайси тарихий, табиий қонуниятлар туфайли омон чиқди?... ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш-тарзи, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган бир шароитда бари бир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми?...”¹. Ўзи берган бу изтиробли саволга Президент - “миллий борлиғимиз, турмуш-тарзимиз, ахлоқ-одоб, меъзонларимиз, урф-одат, анъаналаримиз туфайли омон қолдик”² деб жавоб берган эди.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, юқоридаги таърифда ўзбек халқи миллий-анъанавий турмуш-тарзи ҳам суғорма дехқончилик, ўтроқ шаҳар маданияти, ҳам чорвадор, кўчманчи ўзбеклар турмуш-тарзи, урф-одат, анъаналари асосида шаклланганлигининг этно-маданий тадрижоти кўзга ташланади.

Ғарб фалсафаси, антропологиясида ва социологиясида турмуш, урф-одат, анъаналарнинг роли XIX асрдаёқ Э.Дюrkегейм, М.Вебер, О.Контлар

¹ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: “O’zbekiston tarixi”. 1999. № 1. 10-бет.

² Каримов И. Юқоридаги нашр ... 11-бет.

томонидан бошлаб, айниқса XX асрнинг 60-80-йилларида Дж.Хаксли, Ш.Эйзенштадт, Б.Хозелиц, Э.Шилз, Р.Бенедикс, Дж.Гасфильд, Л.Козер, Еже Шацких, С.Коулмен, К.Миного ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар¹ турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналар муаммоларини илмий асосли, холис тадқиқ этиб, миллий турмуш-тарзи, урф-одат, анъаналар, миллат, халқни ўюштирувчи, жипслаштирувчи, экстремал ҳалокат даврларда қутқариб қолувчи ижобий ижодкор куч-“халқ миллатнинг ўзига хослигини, борлиғини сақлаб қолувчи, ворисий келажакка етказувчи “ижодкор ва бўйсунмас руҳи” (Э.Дюркегейм)², яъни анъана, урф-одат, миллий турмуш тарзини тамомила ижобий баҳолашга эришганлар.

Хозирги замон француз, Фарбий Европа тадқиқотчилари Д.Хаксли, П.Врильо, Андре Бретони, Ж.Дневиньо ва бошқалар Шимолий ва Жанубий Америкага қул қилиб олиб келинган Йоруба, Макумбе қабилалари турмуш-тарзлари, урф-одат, анъаналарини антропологик ва социологик тадқиқ этиш асосида, XVIII-XIX асрлар мобайнида давом этган ҳар кунги 14-16 соатлик даҳшатли меҳнат, зулм ва эзиб ишлатилишлардан сўнг шаҳар, қишлоқлар марказидаги ўйингоҳлар, дengiz, океан соҳилларидағи истироҳатгоҳ, сайлларда айнан негрлар кечкурундан-саҳаргача рақс тушиб, қўшиқ эшлитиб, ногора овозлари остида яшаб, ўзларинигина эмас, йўқотган Ватанлари хотираси, урф-одат, анъаналарини ҳам сақлаб қолганлар, кўрсатиб, исботлаб берганлар.

Шунинг учун ҳам ўзбек халқи, Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиш арафасида, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги учун курашни айнан миллий тилимиз - ўзбек тилининг Давлат тили мақоми, миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам, қадриятларни тиклаш, миллий ўзликка қайтиш, миллий онг ва турмуш-тарзини қайтадан тиклаш, тараққий эттириш йўлидан борди.

¹ Qarang: Осипова О.А. Американская социология о традициях в странах Востока. - М.: «Наука». 1985. Глава III; Ежи Щацкий. Утопия и традиция. - М.: «Прогресс». 1990. Стр. 455.

² Новейший философский словарь. - М.: «Мысль» 1998. Стр. 95.

Бунга эришида биз учун яна биринчи Президентимиз И.Каримов талаб қилган ҳозирги замон Гарб фалсафаси, социологияси, маданиятшунослиги илмий методлари, принциплари, тадқиқот воситаларини, айниқса биз юқорида кўрсатиб бир мунча тахлил этган Гарб маданиятшунос, социолог, файласуфларининг анъана, урф-одат, маросим, қадриятларга ижобий, яратувчи куч сифатида қаровчи гуманистик концепцияларини Ўзбекистонга олиб келиш, биз тадқиқ этаётган муаммоларни янгича, ижобий талқин этиш йўлларидан боришимиз лозим деб ўйлаймиз.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ўзининг Олий мажлисга мурожаатномасида миллий-маънавий қадриятларимизни янада ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган оламшумул ҳаракатлар хақида йиғилиш қатнашчиларига қўйидагиларни баён қилган эди: “Маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидағи халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланганини алоҳида қайд этиш зарур. Шулар қаторида буюк алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, тасаввуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича маҳсус мактаблар ташкил этилди. Албатта, бизнинг бу ишларимиз чуқур илмий ва амалий асосларга эга.

Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд кўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди.

Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Хусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чукур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлатуриб, уларни ҳар томонлама ўқиши-ўрганиш, ҳалқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича, етарли иш қилмаганимизни ҳам очиқ тан олиш керак.

Биз диний жаҳолатга, заарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда-аввало ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларда эмасми?¹.

Миллатнинг қиёфасини, ўзлигини белгилайдиган, унга миллат сифатида қувват берадиган қадриятларни асрар, уларга суяниш керак. Бугун миллатнинг маънавий соғломлиги масаласи ҳар доимгидан кўпроқ эътибор беришни талаб қилаёттир. Республикализнинг биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: “Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим”².

Ўзбекнинг миллий қадриятлари ва миллий характерини белгилайдиган жуда кўп хусусиятлар мавжуд. Улар оиласага муносабат, ота-онага ҳурмат, болага меҳр, ор-номус, уят, андиша, туғилган ерга меҳр, кўни-кўшничилик ва бошқаларда кўринади. Халқимизда уят, ор-номус

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 8- бет.

² Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 311 - бет.

ўлимдан кучли саналган. Афсуски, кўр-кўронада тақлидчилик, маданий ахлоқий таъқиқларни назар-писанд этмаслик, калондимоғлик билан ўзиникидан юз ўгириб, ўзгаларнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ нарсалари кетидан югуриб юриш ҳоллари ҳозирги ўтиш даврининг хусусиятларидир. Бундай ҳолатларга қарши курашишда миллий қадриятлар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши ва миллий тараққиёти, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар билан бирга кишилар маънавиятини янгилаш йўлидан боришни тақозо этади, бу вазифа эса баркамол инсонни етиштириш ғояси билан боғлиқ. Маънавий янгиланиш миллий қадриятлар орқали амалга оширилади. Маънавий янгиланиш жамиятнинг ҳар бир фуқаросига даҳлдорлиги, у ҳар бир кишининг орзу истакларига, ҳаётий интилишларига мос келиши билан аҳамиятлидир. Маънавий янгиланиш билан миллий қадриятлар ўртасидаги диалектик алоқадорлик инсон, унинг манфаатлари, камолотга етишга қаратилган интилишлари орқали уйғунлашади. Шунинг учун маънавий янгиланиш объектив ва субъектив сабаблар боис унутилган тарихий-маданий қадриятларни қайта англаш ва қайта тиклаш, улардан ижтимоий тажрибада кенг фойдаланиш демақдир. Тарихий-маданий қадриятларни сўзда эътироф этиш етарли эмас, уларни ижтимоий тажрибага кенг жорий этиш ҳамда уларга замонавий рух бериб жонлантириш, маънавий-рухий тарбиянинг ажралмас атрибутига айлантириш ҳам зарур.

Маънавий покланиш жараёни миллий қадриятлар билан бир қаторда умуминсоний қадриятларни ҳаёт тарзи, ижодий тараққиёт, амалиёт ва кундалик турмуш мезонларига айлантириш билан боғлиқдир. Ушбу мезонлар қўйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- жаҳон аҳли ва тараққийпарвар давлатлар билан маданий-интеграцион алоқалар ўрнатишида;
- миллий ва минтақавий қадриятларни асраш ва ривожлантириш учун иқтисодий, маданий, сиёсий алоқаларни кенгайтиришида;

- динлардаги умумисоний қадриятлардан миллий маънавий тикланишда фойдаланишда;
- тараққиёт учун хавф туғдираётган деструктив ҳодисалар ва кучларга қарши курашиш учун тараққийпарвар кучлар билан бирлашишда;
- демократияни, унинг хаёт тарзига айланишини қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этишда;
- илм-фан, маърифат, таълим ва ахборот соҳасида очик ҳамкорлик қилишда.

Ушбу йўналишларнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, улар шахс маънавий оламига, миллий қадриятлар тараққиётига таъсир ўтказади. Бунда демократия, эрк, ҳуқуқнинг ҳам маънавий ҳаётдаги ўрни каттадир. Чунки, “ҳуқуқ ўзида умумий, хусусий ва алоҳида элементлардан иборат абстракт, ҳамда аниқроқ бўлган миллий хусусиятга эга ҳодисадир. Ҳуқуқ - умумисоний ва миллий маданият ҳодисаси, унда у ёки бу цивилизация ўз аксини топади”¹.

Демак, демократия ва инсоний ҳуқуқ нормаларини қарор топтириш, уларни шахс ҳаёт тарзининг атрибутига айлантириш шахс маънавиятида умумисоний қадриятларнинг барқарор ўрин эгаллашини таъминлайди. Балки аксинча, демократия ва инсон ҳуқуқларига қарши ҳар қандай деструктив ҳодиса шахсни ҳам маънавий таназзулга олиб келади.

Халқимиз ҳаёт тарзидан жой олган қадриятлар ўзининг тарихий-маданий илдизларига эга. Улар узоқ тарихий ривожланиш, гоҳо кескин курашлар жараёнида синовдан ўтган, тобланган. Шунинг учун қадриятлар шунчаки эъзозланадиган, қайд этиладиган бойликлар, рамзлар, белгилар йиғиндиси эмас, улар келажакнинг тақдирига таъсир этувчи, у ёки бу тажрибани баҳоловчи, даврнинг мақсад ва режаларини белгилаб берувчи ўзига хос дастур ҳамдир.

¹ Сайдов А. Сравнительное правоведение. - Т.: “Адолат.” 1999. Стр. 454.

Шахс маънавиятини шакллантириш масалалари, миллий ва умумисоний қадриятлар масаласи ҳар доим Марказий Осиё мутафаккирларининг диққат марказида турган. Бироқ уларнинг маданий меросига таяниш мавжуд фикрларни шунчаки такрорлаш ёки шунчаки улуғлаш йўлидан эмас, балки уларни жамият, ёшлар дуч келаётган муаммолар билан боғлаб, янгича ёндашувларга таяниб олиб боришни тақозо этади.

Мустақилликка эришгач, Республикамиз жаҳон ҳамжамияти ўртасида ўзига хос ўрин эгаллашга, ўзининг маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоён этишга интилмоқда. Бу улуғвор мақсад миллий ва умумисоний қадриятларга содиқликни, уларни ички ҳаётга, кишиларнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий фаолиятига сингдиришни талаб этади.

Миллий ва умумисоний қадриятлар ҳақидаги аниқ тасаввурлар ёшларда жаҳон эътироф этаётган нормалар, тартибларга, ўз халқининг, шунингдек, бошқа халқларнинг маънавий бойликларини эгаллашга қизиқиши уйғотиши мумкин. Ёшлар жамият маънавий ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни чуқур хис этадилар. Уларда миллий қадриятларга хурмат билан қарашиб, умумисоний қадриятларни ўзлаштиришга қизиқиши юқоридир. Ёшлар умумисоний қадриятларга айланган ишбилармонликка, тинчликни, тараққиётни асраш учун курашга ҳам бефарқ қарамайдилар. Улар ишбилармонликни моддий-иқтисодий фаровонликнинг асоси деб биладилар. Ёшларимизда Ғарб маданияти ва цивилизацияси, ижтимоий-сиёсий фикрлари билан чуқурроқ танишишга, улардаги янги ғоялар, ютуқлар ва бетакрор ёндашувларни ўрганишга хоҳиш қучли. Айнан ушбу истак уларни чет тилларни ўрганишга, Интернетдан фойдаланиб, ўз тенгқурлари билан алоқалар ўрнатишга ундумоқда. Демак, ёшлар маънавияти кенг ижтимоий, иқтисодий ва ижодий алоқалар ўрнатишга, жаҳон, айниқса Европа халқлари эришган ютуқлардан баҳраманд бўлишга йўналтирилган. Ота-оналар, давлат, жамият, қолаверса, бутун янгиланаётган дунё ёшлардаги ижодий

интилишларни, улар ўртасидаги байналмиллаллик, ҳамкорлик, дўстлик, тараққиёт ғояларини қўллаб-қувватлаши лозим. Аммо мазкур жараёнлар ёшларимиз ҳаётида миллий қадриятларнинг ўрни бўшаб қолишига олиб келмаслиги керак. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида мазкур соҳада бир қанча ишлар амалга оширилди ва амалга ошириб келинмоқда. бундай амалиёт эса қонуний равишда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

2018 йилга муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан юртимиизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши, бу борада бутун Ўзбекистонда, шу жумладан барча ОТМ ларда олиб борилаётган таълимтарбия, кўплаб миллий-ижтимоий тадбирлар, байрам, ҳайитларда талаба ёшларнинг фаол иштироки охири оқибатда ОТМ талабаларида миллий қадриятларимиз тўғрисида чукур билимни ҳосил қилибгина қолмай, уларнинг кундалик турмуши тарзи, руҳияти, онги, амалий малака, иродавий қўникмалари соҳасида миллий қадриятларни фаол ҳаётга татбиқ этишда туб бурилиш ясай олади деб хулоса чиқариш мумкин.

ХУЛОСА

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган 1991 йил 31 августдан кейин ўтган 27 йиллик демократик, барқарор тараққиётимизнинг барча соҳаларида бўлганидек ўзбек халқи миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам, қадриятларини тиклаш такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида ҳам қувонарли даражада кўдан-кўп ютуқларга эришилди. Бу фикримизнинг нечоғлик айни ҳақиқат эканлигини мамлакатимиз тараққиётининг чорак асрдан кўпроқ шонли тарихи яққол кўрсатиб турибди.

Мустақиллик йилларида миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам қадриятларимиз ўзининг объектив, ижтимоий-маънавий ҳодиса, жараён сифатидаги тадрижоти (эволюцияси), тубдан ўзгариб такомиллашиб бориши билан бир қаторда уларни илмий-социологик, фалсафий маданиятшунослик, аксиологик нуқтаи-назардан илмий-назарий ўрганиш, тадқиқ этиш жараёнлари ҳам жиддий тадрижотга учради. Ана шу жараёнларни маданиятшунослик жиҳатидан ўрганиш, умумлаштиришнинг ҳам назарий-методологик, ҳам амалий-ташкилий жиҳатларига кўра қатор долзарб, ҳамма вақт ҳам бир хил маънода тушуниб, талқин этилиши қийин кечаётган муаммолари мавжуд.

Зеро, Ўзбекистонда маънавият, маърифат, анъана, қадрият, урф-одат, маросим, байрамларга биринчи даражали катта давлат сиёсати даражасидаги ижобий муносабат қарор топмоқда. Ана шу хаётбахш жараёнлар, долзарб муаммоларни биз ушбу Битирув малакавий ишимизнинг мавзуси қилиб танлаб олдик.

Битирув малакавий ишимизнинг “Кириш” қисмида одатдагидек битирув иши мавзусининг долзарблиги ва унинг асосланиши, ишнинг ўрганилиш, тадқиқ этилиш даражаси, унинг объекти ва предмети, битирув ишининг бош мақсад ва вазифалари, назарий-методологик асоси, битирув

ишининг тадқиқот методлари ҳамда ишнинг назарий ва амалий аҳамияти асослаб берилди.

Битирув малакавий ишимизнинг I боби “Миллий-маънавий қадриятларнинг Олий таълим тизимидағи ўрни, ўзига хослиги ва аҳамияти” деб номланиб, ундаги ҳар икки фаслларда биз ҳозирги Ўзбекистон ижтимоий фанлари, энг аввало социологик, фалсафий, маданиятшунослик фанлари нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш принциплари, асосий тушунча, атама, ибора ва категорияларининг қандай тушуниш, талқин этиш, умуман анъана, урф-одат, маросим, қадриятлар тизимида қандай катта ўзгаришлар объектив содир бўлганлиги, давом этаётганлиги, бу жараёнлардаги баъзи салбий жиҳатлар собиқ қатағон тузумдан қолган салбий меърос эканлиги ва бу жараёнларнинг қайси бирларининг Ўзбекистон миллий истиқоли мақсад, нишонлари, вазифалари нуқтаи-назардан таракқий эттириш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги ўз кузатиш, хулоса ва таклифларимизни ўртага ташлашга уриндик.

Битирув малакавий ишимизнинг II боби “Республикамиз таълимтарбия тизимида ёшларни миллий-маънавий қадриятларга содиқлик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг методологик асослари” деб номланиб, унинг биринчи фаслида мустамлака ва қатағон тузумлари даврида ўзбек халқининг миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам, қадриятлари қандай маҳв этилганлигини баъзи умумлаштирувчи тарихий далиллар асосида кўрсатишга, бу борадаги шовинистик ва коммунистик мафкура риёкор сиёсатининг асл моҳияти, мақсад ва вазифаларини Битирув малакавий иши доирасида тахлил этиб, бу сиёсатнинг асл миллий ўзлигимиз, инсонийликка қарши жиноят ҳарактерини очиб беришга ва тахлил этишга ҳаракат қилдик.

II бобнинг иккинчи фаслида эса Ўзбекистон мустақиллиги, барқарор таракқиёти жараёнлари давомида ўзбек халқининг асл миллий ўзлиги, маънавий-маърифий қиёфаси, шаъни, обруси қандай тикланганлиги, ана шу жараёнларнинг социологик, фалсафий, маданиятшунослик соҳалардаги

тадқиқотларда қандай акс этаётганлиги, илмий ўрганилаётганлиги, бу борадаги чукур, сифатий ўзгаришларнинг эволюцияси (тадрижоти) ни кўрсатиб, очиб беришга, асослаб беришга қисман уриндик.

Ғарбий Европанинг илғор социологлари, маданиятшунослари, гарчи улар хам анъана, урф-одат, маросим, қадриятларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини жуда яхши билсаларда, ҳисобга олсаларда, аввал бошидан уларга собиқ Шўро фани андозаларида гидек - реакцион ҳодиса, ўтмиш сарқити, тараққиёт тормози деб ёндошишдан фарқли ўлароқ, қадриятларга миллат тараққиётининг муҳим омили сифатида қарадилар. XVIII-XIX асрларданоқ А.Шопэнгауэр, Ф.Ницше, О.Шпенглер, Э.Дюркегейм, Э.Дильтей, М.Вебер ва бошқа мутафаккирлар, анъана, урф-одат, маросим, қадриятларга ижобий, объектив холис ёндошиш позициясидан туриб тадқиқ этганлар, баҳо бериб келмоқдалар.

Шунинг учун ҳам Республикализнинг биринчи Президенти И.Каримов бир томондан халқимизнинг ўз анъана, маросим, урф-одат, байрам, қадриятларини асраб-авайлаб, эъзозлаб сақлаш, уларга хурмат муносабатида бўлиш ва қадрлаш анъасидан келиб чиқкан ҳолда, бошқа томонидан эса Ғарбий Европанинг илғор фалсафаси, социологияси, аксиологияси, маданиятшунослигининг анъана, урф-одат, маросим, уларга ижобий муносабатни ўзида жоъ қилган замонавий илмий-тадқиқот усуслари, принципларини Ўзбекистонга олиб келиш, улардан ижодий ва танқидий фойдаланишга оид ҳам амалий, ҳам назарий методологик хулоса, ечимларни берган эди. Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев эса ушбу соҳада И.Каримов олиб борган сиёsatни оқилона давом эттиromoқда. Натижада, Ўзбекистондаги ижтимоий фанлар, шу жумладан социология, фалсафа, маданиятшунослик, аксиология фанлари соҳаларида мазкур муаммоларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва баҳолаш жараёнлари эволюцияси тубдан, сифат жиҳатдан янгиланиш, ўзгариш, такомиллашиш томон кескин ўзгарди. Бу эса мустақил Ўзбекистоннинг демократик, барқарор тараққиётининг муҳим жабҳаси бўлган маънавият, маърифат, миллий анъана, урф-одат, маросим

байрамлар, қадриятларга нисбатан олиб борилаётган ижтимоий-маданий сиёсатнинг юксак савияда, дунёнинг бошқа минтақа халқлари учун муайян маънода ўрнақ, намуна бўлиб қолишига олиб келмоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Битирув малакавий ишимизнинг иккинчи боби иккинчи фаслида мустақиллик йилларида миллий ўзликка қайтиш ҳамда миллий қадриятларнинг қайта тикланиши ва ривожланиши билан боғлиқ масалаларни маълум бир жиҳатлардан тахлил этишга ҳаракат қилдик.

Битирув малакавий ишида тайёрланган материаллардан ОТМларида “Фалсафа”, “Қадриятлар фалсафаси”, “Маънавият асослари” каби фанларни ўқитишида, бакалавр битирув ишлари, магистрлик диссертацияси тайёрлашда ҳамда ўрта мактабларда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”. 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: “Адолат”, 2017. 112 б.
3. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
4. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: “Шарқ”, 1998.
5. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008.
6. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017. I том.
7. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // “Халқ сўзи” газетаси. 15 январь 2017 йил.
8. Мирзиёев Ш. Эркин фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 15 декабрь.
9. Алиқулов X. Маънавий-ахлоқий қадриятлар мутафаккирлар талқинида. - Андижон. 2003. 260 б.
10. Андреев Р.Д. Ценности и их роль в жизни общества. - М.: 1998.
11. Жамиятшунослик хрестоматияси. - Т.: “Ўқитувчи”, 1977. 596 б.
12. Жўраев Н. ва бошқа муаллифлар. Ўбекистон тарихи. -Т.: “Шарқ”, 1998.
13. Жўраев Н. Миллий истиқлол мафкураси, шаклланиш жараёни. - Т.: “Шарқ”. 1998.
14. Комилов Н. Тасаввуф. - Т.: “Ёзувчи”, 1996. 271 б.
15. Низомиддинов Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва Ислом. - Т.: “Зар қалам”, 2006. 286 б.
16. Новейший философский словарь. - М.: «Мысль», 1998. 589 с.

17. Осипова О.А. Американская социология о традициях в странах Востока. - М.: «Наука». 1985.
18. Саттор М. Ўзбек удумлари. - Т.: “Фан”, 1993.
19. Сайдов А. Сравнительное правоведение. - Т.: “Адолат”, 1999. 574 с.
20. Угринович Д.М. Обряды. За и против. - М.: 1985. 595 с.
21. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
22. Рустамов А. Адиблар одобидан адаблар. - Т.: “Маънавият”, 2003. 95 б.
23. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. - Т.: “Ўқитувчи”, 1991.
24. Фофуров F. Удумларда халқ қалби. - Т.: “Ёш гвардия” , 1986.
25. Ғарб фалсафаси. Назаров Қ. таҳрири остида. - Т.: “Шарқ”, 2005.
26. Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Сунний ақидалар. - Т.: “Мовароуннахр”, 2005.
27. Шайхова Х. Ўзбек аёли - одоб тимсоли. - Т.: 2007. 128 б.
28. Фалсафа. Э.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. - Т.: “Шарқ”, 1999.
29. Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси. - Т. “Чўлпон”. 1992. 77 б.
30. Фалсафа. Қомусий луғат. - Т.: “Шарқ”, 2004. 347 б.
31. Шацкий Ежи. Утопия и традиция. - М.: «Прогресс», 1990. 495 б.
32. Эркаев А. Маънавият ва миллий ғоя. - Т.: 2002.

Интернет ресурслари:

33. www.ziyonet.uz
34. www.philosophy.ru.
35. <http://www.intencia.ru>.
36. <http://www.anthropology.ru>
37. <http://www.falsafa.dc.uz>.
38. <http://www.phenomen.ru>.
39. <http://www.filam.ru/sait.phg>.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
I БОБ. Миллий - маънавий қадриятларнинг Олий таълим тизимидағи ўрни, ўзига хослиги ва аҳамияти.....	8
1.01. Таълим-тарбия жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда боғлиқлиги.....	8
1.02. Миллий-маънавий қадриятларни талаба ёшлар билими, онги ва руҳий-иродавий даражасига мос ҳолда ўқитиш масалалари.....	21
II БОБ. Республикализ таълим-тарбия тизимида ёшларни миллий-маънавий қадриятларга содиқлик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг методологик асослари.....	23
2.01. Собик шўролар даврида миллий қадриятларга муносабат, олиб борилган сиёсатнинг инсониятга, миллий ўзликка ва шахсга салбий таъсиrlари.....	23
2.02. Мустақиллик йилларида миллий ўзликка қайтиш ҳамда миллий қадриятларнинг қайта тикланиши ва ривожланиши.....	35
Хулоса.....	39
Иловалар.....	45
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	51